

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ**

**5230100 - Иқтисодиёт таълим йўналиши
53-16 гуруҳ талабаси**

КАРИМОВ ИСЛОМ БЕКПЎЛАТ ЎҒЛИНИНГ

**“РЕАЛ СЕКТОРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ (РЕАЛ СЕКТОР
КОРХОНАЛАРИ МИСОЛИДА)”**

Мавзусида бажарган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:
“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири и.ф.н.
доцент О.Сатторкулов
“ ___ ” _____ 2020 й.

Илмий раҳбар:
“Иқтисодиёт” кафедраси
доц.О.Сатторкулов О.
“ ___ ” _____ 2020 й

Гулистон – 2020

Битирув малакавий иш Гулистон давлат университетининг 20__ йил “19 ” декабрдаги №605-С сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг ____– сонли йиғилишда муҳокама қилинди ва “ ____ ” балл билан (_____) баҳоланди.

(аъло, яхши, кониқарли)

Битирув малакавий иш “Ижтимоий - иқтисодий” факультетининг 20__ йил “ ____ ” _____ даги ____– сонли илмий-услубий кенгаши қарори билан давлат аттестация комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия этилди.

Факультет декани:

Б.Туйчибоев

Битирув малакавий иш “Иқтисодиёт” кафедрасининг 20__ йил “ ____ ” _____ даги ____– сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Кафедра мудир:

О.Сатторкулов

БМИ бажарувчи “5230100 - Иқтисодиёт” таълим йўналиши 53-16 гуруҳ

талабаси _____ Каримов Ислон Бекпўлат ўғли

Раҳбар: “Иқтисодиёт” кафедраси мудир, доц. _____ О.Сатторкулов

	МУНДАРИЖА	бети
	КИРИШ	3
I боб	РЕАЛ СЕКТОР ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ВА БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
1.1.	Маъмурий ислохотлар – реал секторни самарали бошқарув тизимини шакллантиришнинг асоси	
1.2.	Иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш орқали реал секторда соғлом рақобат муҳитини яратиш	
1.3.	Реал сектор тармоқларини модернизациялаш зарурати ва омиллари	
1.4.	Кластерлаштириш реал секторда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий шакли сифатида	
II боб	РЕАЛ СЕКТОР ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
2.1.	Реал сектор тармоқларини бошқаришда рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологиялардан фойдаланиш устиворликлари	
2.2.	Реал сектор корхоналарини бошқаришда корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва моделлари	
2.3.	Реал сектор корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш истиқболлари	
2.4.	Реал секторда бошқарув самарадорлигини оширишда замонавий бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари	
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш масалаларига эътибор долзарб масалага айланиб бормоқда. Мамлакатда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобатдошлик кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга боғлиқ. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади. Модернизациялаш – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш, демакдир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш эса – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараёндир.

Жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган ва республикамизда очик иқтисодиёт асослари шакллантирилаётган бугунги кунда иқтисодиётнинг реал секторини самарали бошқариш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш, ишлаб чиқариш объектларини тубдан модернизация қилиш орқали экспорт ҳажмини ошириш ҳамда рақобатбардош товар ва хизматларни жаҳон бозорига чиқариш, миллий иқтисодиётга кириб келаётган инвестициялар оқимини кенгайтириш ва инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш учун қулай ҳуқуқий ва меъёрий шарт-шароитларни барпо этиш, шунингдек, хорижий инвестициялар самарадорлигини изчил ошириб бориш мазкур мақсадга эришишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Реал сектор тармоқларини ривожлантиришнинг технологик ва иқтисодий - инвестицион асослари ва уларни такомиллаштириш, хорижий инвестициялар жалб этиш самарадорлигини оширишнинг айрим назарий ва амалий масалалари МДХ иқтисодчи-олимлари – Андрианов В.Д., Бланк И.В., Васильев В.А., Глазьев С.Ю., Комаров В.В., Лешенко М.И., Шумский Н., Шишков Ю. ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизими билан интеграциялашувида, шунингдек реал тармоқларини модернизациялашда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва роли, уларнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш зарурати ва оимлари республикамиз иқтисодчи-олимлари – Вахабов А.В, Алимов А.М., Бедринцев А.К., Йўлдошев Ш., Исажонов А., Мўминов Н, Марпатов М., Орифхонов Ш., Раззоқов Р.М., Расулев А.Ф., Сиражиддинов Н., Трушин Э.Ф., Турсунов Б.М., Тўхлиев Н.Т., Шодиев Р.Ҳ. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади реал сектор тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашнинг инвестицион асослари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда **қуйидаги вазифалар** қўйилган:

- Реал сектор тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ёритиш;

- Реал сектор тармоқларини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш оимлари ва йўналишларини ёритиш;

-реал сектор тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва техник-технологик янгилашда хорижий инвестицияларнинг ўрнини таҳлил қилиш

асосида уни янада такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларини модернизация қилишнинг техник-технологик ва инвестицион асосларини такомиллаштириш омилларини таҳлил қилиш асосида ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш.

БМИнинг объекти сифатида вилоят реал сектор тармоқлари танлаб олинди.

БМИнинг назарий ва услубий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш бўйича илгари сурилган ғоялар, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан олиб борган илмий ишлари ва асарлари хизмат қилди.

БМИда иқтисодий-статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилди.

БМИнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- реал сектор тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини очиқ бериш асосида, уни такомиллаштиришга оид ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган;

- иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарувнинг замонавий шакл ва усуллари тизимлаштирилган ҳолда баён этилган;

- реал сектор корхоналари самарадорлигини оширишда давлатнинг рағбатлантирувчи сиёсати ва бунда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шаклларида бири бўлган кластерлаштириш сиёсатининг авфзалликлари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

БМИ натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишни ёзиш давомида тўпланган илмий-назарий ва амалий материаллардан

иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини бошқариш самарадорлигини ошириш борасида дастурлар ва концепциялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бир қаторда мазкур БМИ материалларидан “Корхона иқтисодиёти”, “Реал секторда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш” ўқув фанларини ўқитишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

БМИнинг таркибий тузилиши. Иш таркиби кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Ишнинг “Реал сектор тармоқларини ривожланти-ришнинг ва бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари”- деб, номланувчи биринчи бобида мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар, иқтисодиётда давлатнинг ўрнини қисқартириш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар ясалган.

Ишнинг иккинчи боби “Реал сектор тармоқларини бошқариш-нинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш истиқболлари” да эса, реал сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, маркетинг концепцияларини изчил қўллаш, самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил жорий этиш масалалари атрофлича ёритилган.

Хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқувчи асосий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган, реал сектор корхоналарида ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар шакллантирилган.

I БОБ. РЕАЛ СЕКТОР ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ВА БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Маъмурий ислохотлар – реал секторни самарали бошқарув тизимини шакллантиришнинг асоси

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар, қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари билан белгиланган вазифаларнинг бажарилишидаги камчиликлар, тадбиркорлик ва республикада қулай инвестициявий муҳитни барпо этишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишидаги муаммолар тўғрисида умумий хулоса қилиш маъмурий бошқарув соҳасида тизимли ислохот ўтказилишини ва самарали бошқарув механизмини яратишни тақозо этади.

Мазкур масалага Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, стратегиянинг таркибий қисми бўлган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида жорий йилда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар Концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Маъмурий ислохотлар ўзи нима? Бир қатор хорижий мамлакатларнинг тараққиёт йўлида амалга оширилган ва амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар нимани англатади. Унинг тушунчаси, таърифи ҳақида жуда кўплаб фикрлар, қарашлар мавжуд. Соддароқ қилиб маъмурий ислохотлар — бу давлат функциялари ва уларни амалга оширувчи ташкилотлар таркибий-ташкилий тузилмаларини, маъмурий бошқарув фаолияти воситалари, усул ва услубларини жамиятни эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг замонавий талабларига мувофиқ тарзда қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришларни амалга оширишдир, деб таъриф бериш мумкин.

Кўлами жиҳатдан маъмурий ислоҳотлар муайян бир идора марказий тузилмасида, унинг бутун тизимида, бирор бир ҳудудда ёки мамлакатнинг бутун маъмурий бошқарув соҳасида амалга оширилиши мумкин.

Чет эллик мутахассислар, экспертлар қуйидаги омиллар маъмурий ислоҳотлар ўтказилишини зарурият қилиб қуйишини кўрсатади: 1) коррупция; 2) давлат аппаратининг ўз вазифаларини бажаришида самарасизлиги; 3) ҳокимиятни хусусийлаштириш; 4) фуқаро ва тадбиркорлик(бизнес)нинг бюрократия олдида ҳимоясиз қолиши; 5) мамлакатда ягона иқтисодий маконнинг мавжуд эмаслиги ва 6) ҳокимият ва бизнес ўртасида ва шунингдек ҳокимият ва аҳоли ўртасида ишончнинг тушиб кетганлиги. Афсуски, бундай омиллар давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида ҳам йўқ эмас.

Республикамызда амалга оширилиши режалаштирилаётган маъмурий ислоҳотлар самарали ва мақбул давлат бошқаруви тизимини вужудга келтиришга йўналтирилади.

Маъмурий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш турли замонлар ва маконларда қўлланган шундай ислоҳотларни танқидий таҳлил қилиш, уларнинг энг илғор жиҳатларини ўзимиздаги мавжуд шароит, имкониятларни ҳисобга олган ҳолда татбиқ этишни талаб қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, республикамызда 2003 йилда ҳам маъмурий ислоҳотлар амалга оширилган эди. Натижада иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 12 декабрда ПФ-3358-сон “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва 2003 йил 22 декабрда ПФ-3366-сон “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари шулар жумласидан.

Ўша пайтларда маъмурий ислохотлар махсули ҳисобланган давлат ва хўжалик бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш ва қайта ташкил этиш тўғрисида 30 дан ортиқ Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Улар билан аксарият давлат идораларининг ташкилий-таркибий тузилиши, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги қайта кўриб чиқилди, уларнинг янги таҳрирдаги низомлари тасдиқланди.

Амалга оширилган ўзгаришлар муайян натижаларни берди, уларни инкор этиб бўлмайди. Бироқ кейинги йилларда давлат ва хўжалик бошқарув органларининг самарали ва сифатли фаолият кўрсатиши борасида бир қатор муаммолар кўзга ташланиб қолди.

Айниқса, хўжалик бошқарув органларининг мақоми, улар ўз олдига қўйган вазифаларни бажариши аҳволи, соҳани ривожлантиришдаги ҳиссасини танқидий ўрганиш ва соҳада ислохотлар амалга оширилиши лозимлигини замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Қолаверса бу ташкилотларда корпоратив бошқарув принципларининг қўлланиши бўйича қатор масалалар ҳал қилинмай қолмоқда. Республика уюшмалари, компанияларида ҳали ҳам ўзларининг идораларини “министрлик” ҳисоблайдиган, эскича қарашлардан воз кеча олмаётган ходимлар мавжуд.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев жорий йилнинг 9 август куни Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда кўплаб ташкилот ва идораларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир энг муҳим дастурларни амалга ошириш ўрнига, аксарият ҳолларда, фақат йиғилишлар ўтказиш ва пухта ўйланмаган қарорлар қабул қилиш, амалий иш қолиб, қоғозбозлик билан шуғулланиш ҳолатлари учраётганлигини кўрсатиб ўтди. Йиғилишда давлат раҳбари томонидан мажлисбозлик, қоғозбозлик ва ҳисоботбозликни кескин камайтириш, давлат идоралари фаолиятида маълумот алмашишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича ҳукумат қарорини ишлаб чиқиб, ижросини алоҳида назоратга олиш бўйича топшириқ берилди. Ўйлайманки, бу топшириқ

маъмурий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, йўналишларини ишлаб чиқишдаги раҳбарий кўрсатмадир.

Тан олиш керак, айрим соҳаларда хаддан ошиқ кенгашлар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар мавжуд, уларда сон-саноксиз йиғилишлар ўтказилади. Адашмасам, 2011 йилда эди, бир адлия вазири ўринбосари (Е.Канъязов) аъзо ҳисобланган 40 га яқин кенгашлар, комиссиялар, ишчи гуруҳлар мавжудлигини аниқлаган эдик. Йиғилишларнинг савияси, сифати алоҳида мавзу. Баъзан шундай бўладики, йиғилишга соҳага алоқаси борми, йўқми кўпчилик таклиф қилинади. Таклиф қилинганларнинг бир қисми масаладан хабари йўқ, хабари борлари тайёргарлик кўра олмаган, чунки бошқа йиғилишдан келган бўлади. Ҳар қандай йиғилишнинг фойдалилик коэффициенти бўлиши керак. Булар албатта ислохот жараёнида ҳисобга олиниши зарур.

Маъмурий ислохотлар бўйича хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак XX аср охири ва янги асрнинг ўтган йилларида бир қатор мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида ислохотлар ўтказилган. Қўлланган концепциялар, принциплардан келиб чиқиб, айрим мутахассислар маъмурий ислохотларни шартли равишда қуйидаги моделларга ажратишади.

“Янгича давлат бошқаруви” (“New Public Management”) модели. Бу моделнинг концепцияси давлат органлари ва муассасалари фаолиятига бизнесда қўлланиладиган ёндашув, услуб ва принципларни тадбиқ этиш ва кенг фойдаланишни назарда тутди. Булар мижозга йўналтирилганлик, номарказлаштириш, фойдага урғу бериш, рақобат, аутсорсинг, лойиҳа ва шартнома бошқарувини жорий этиш сингари принциплардан иборат. Бу модел асосан англосаксон мамлакатларда – АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада, Янги Зеландияда ишлатилган. Бу концепциянинг танқидчилари унинг самарали бошқарув қарорларини излашни, модернизацияни рағбатлантирган, муайян ютуқларга сабаб бўлган бўлсада, унинг асосий мақсади ҳисобланган давлат органлари фаолиятида фойдалиликни оширганлигини ишонч билан қайд этиш қийинлигини

таъкидлашади. Қолаверса санаб ўтилган мамлакатларда бу моделни жорий этиш жараёнида киритилган янгиликлар давлат бошқарувида бир қатор деформациялар келиб чиқишига сабаб бўлган. Хусусан, давлат тузилмалари ўртасида мувофиқлаштириш ва стратегик режалаштиришнинг, ностандарт ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг сусайишига олиб келган.

“Муносиб бошқарув” ёки “Яхши бошқарув” (“Good Governance”) модели. Бу модел БМТ Тараққиёт Дастури томонидан 1997 йилда ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади – давлат бошқарувида, айниқса ижтимоий ҳимояси таъминланмаган аҳоли гуруҳларини, қоқоқ ҳудудларни қўллаб-қувватлашда жамият иштирокини имкон даражасида кенгайтириш. Бу моделнинг асосий принциплари шаффофлик, самарадорлик, жавобгарлик, қонуннинг устуворлиги ва тенг ҳуқуқлилик, давлат қарорларини қабул қилишда аҳолининг иштирок этиши кабилар. Моделнинг мураккаблиги сифатида ижтимоий аҳамиятли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда турли ижтимоий гуруҳлар вакилларини кенг ва амалда иштирокини таъминлаш билан боғлиқ катта харажатлар кўрсатилади.

Навбатдаги модел “Мувофиқлаштирилган бошқарув” (“Joined up Government”) давлат органларининг олдига қўйилган мақсадларни ҳал этишда горизонтал ва вертикал бўйича ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу моделда асосий эътибор мувофиқлаштириш, стратегик режалаштириш, куч ва ресурсларни интеграциялашни оширишга, шунингдек жалб этилган тузилмалар ва шахсларни рағбатлантиришга қаратилади.

Юқоридаги моделлардан бошқа ўзига хос маъмурий ислоҳотлар ўтказган мамлакатлар ҳам мавжуд. Хитой ва Японияда амалга оширилган маъмурий ислоҳотлар алоҳида эътиборга лойиқ. Хитойдаги маъмурий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари этиб давлат ташкилотлари ходимларини қисқартириш, такрорланувчи функцияларни баратараф қилиш, Давлат кенгаши тузилмасини қайта тузиш, самарали кадрлар сиёсатиши юритиш, коррупцияга қарши кураш белгиланган. Бир пайтнинг ўзида

ислохотлар жамиятдаги барқарорликни бузилмаслигига жиддий эътибор берилди. Буни ноҳукумат ташкилотлар билан ишлаш бўйича давлат органлари функциялари кучайтирилганида ҳам кўриш мумкин.

XXI асрнинг бошида бошланган Япониядаги маъмурий ислохотларнинг ўзига хос жиҳати давлат хизмати функционал ва таркибий ўзгаришларга асосий эътибор қаратилиши билан изоҳланади. Бунинг асосий мазмуни ягона давлат тартибга солиш механизми доирасида умумий бошқарувчилик даражасини кўтариш мақсадида ҳуқуқ ва жавобгарликни қайта тақсимлашдан иборат. Ислохот натижасида бош вазир ва унинг кабинети роли кучайтирилди, вазирлик ва идоралар қайта тузилди, улар маъмурияти фаолиятини баҳолашнинг янги шакллари жорий этилди, бир қисм бошқарув функциялари қуйи органларга берилди, давлатнинг кадрлар сиёсати ўзгартирилди.

Маъмурий ислохотлар концепцияси ва дастури лойиҳаларини шакллантириш учун даставвал давлат бошқаруви тизимида мавжуд бўлган барча муаммолар, ҳал қилиниши шарт бўлган масалалар аниқлаб олинishi керак бўлади. Буларнинг энг биринчиси Президентимиз кўп бора таъкидлаганидек давлат ташкилотларининг халқ билан мулоқоти тизимидаги муаммолардир.

Хорижий давлатларда амалга оширилган тадқиқотлар аҳолида ҳокимият институтлари ва мансабдор шахсларига салбий муносабатни вужудга келтирувчи омиллар 1) “халқдан узилганлик”; 2) “сўз ва иш ўртасидаги катта фарқ (мунофиқлик)”; 3) “коррупция” эканлигини кўрсатади. Шундай экан бундай омилларни бартараф этиш маъмурий ислохотларнинг устувор вазифаси сифатида қаралиши керак.

Маъмурий ислохотлар давомида асосий урғу маъмурий бошқарув субъектлари ҳисобланган давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини пухта белгилаш ва уларни жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёнига муносиб, замонавий давлат бошқаруви эҳтиёжларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашга қаратилиши лозим. Бунинг учун давлат

хизматчиларига иш ҳақи тўлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиши, бу борада давлат органлари ўртасидаги тафовутлар бартараф этилиши, адолатли ёндошув бўлиши зарур.

Умуман кутилаётган маъмурий ислохотлар 5-10 йилдан кейин навбатдаги ислохотга мухтож бўлиши керак эмас. Бирор бир соҳада ислохотларни тез-тез ўтказиш ривожланишга қаратилган мақсад учун бўлиши мумкин, бироқ бунинг ўзи ривожланиш эканлигини англамайди.

Умуман маъмурий ислохотлар концепцияси ва дастури лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўзбек давлатчилиги тарихидаги ва ҳозирдаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ижобий ва салбий жиҳатлари, хорижий мамлакатлардаги маъмурий ислохотлар моделларининг илғор тажрибаси, халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари пухта ўрганилишини талаб қилади. Бунда велосипед яратмаслигимиз, кўр-кўрона кўчирмаслигимиз, ислохот ислохот учун эмаслигини ёдда тутишимиз, халқимизнинг давлат хизматидан нима кутаётганлигини мудом ҳис қилишимиз лозим.

Маъмурий ислохотларнинг қай даражада муваффақиятли амалга оширилиши бевосита Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилишига таъсир қилади. Зеро, ҳар қандай ўзгариш ижро ҳокимият фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ.

1.2. Иқтисодий ётти бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш орқали реал секторда соғлом рақобат муҳитини яратиш

Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, рақобат тобора кучаймоқда. Мавжуд глобаллашув шароитида давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда принципларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш тақозо этилмоқда. Шулар сабабли, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун

шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш талаб этилади.

Яъни, ислохотлар самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда «Халқ бой бўлса, давлат бой ва қудратли бўлади» деб белгиланган мезон ҳамда «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» дея қўйилган вазифаларнинг ба-жарилиши нуқтаи назаридан ёндошув устувор ўрин тутди. Бинобарин, мамлакатимиз тараққиётини янги юқори марраларга эришиши борасида қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси¹да белгиланган бешта устувор йўналишлар туркумлارининг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши кўп жиҳатдан иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтиришга боғлиқ. Бундай ўзаро алоқадорликни чуқурроқ англаш учун миллий тарихимизда илк бор амалга оширилган Ўзбекистон Республи-каси Президентининг Парламентга (22.12.2017) Мурожаатнома¹сини ҳамда фаол ўзлаштириш талаб этилади.

Шунингдек, миллий иқтисодиёт янги моделини шакллантириш борасидаги Ҳаракатлар стратегиясининг моҳият ва мазмунига чуқурроқ кириб бориш масалалари, учинчи босқич бўлган 2019 йилда бажариладиган ишларнинг хусусиятлари 2018 йил 28 декабрда тақдим этилган Мурожаатнома²нинг мақсад вазифаларида ўз аксини топган. Масалан, эътиборни Мурожаатномадаги қуйидаги фикрларга қаратайлик: «...Бизнинг мақсадимиз – ўтган бир йиллик тараққиёт йўлимизни холисона ва танқидий баҳолашдан иборат.... Барчамизга аёнки, ислохот – бу янгиланиш, ўзгариш дегани. Ислохотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради. Бу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. 144-банд. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2017. 213 б.

тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Замонавий, оқилона бошқарув механизмини жорий этиш – олдимизга қўйган вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир». Айнан замонавий, оқилона бошқарув механизмини жорий этиш учун иқтисодиётда давлат иштирокининг кескин камайтирилиши жиддий аҳамият касб этмоқда.

Кейинги икки йил ичидаги давлатнинг иқтисодиётда иштирокини камайтириш борасидаги муолажалари таъбир жоиз бўлса, «интенсив институционал терапия» тарзида амалга оширилаётгани жиддий услубий аҳамият касб этмоқда. Яъни, кенг қўламли иқтисодий сиёсатни акс эттирувчи муолажалар таъминланиши учун ҳам пухта тайёрланган, ҳам изчил жорий этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маж-муасигина барқарор муваффақият омили эканлигига эътибор қаратилмоқда. Айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланиши ва жорий этилишининг кейинги йиллар динамикасида институционал иқтисодиёт механизмига устувор эътибор қаратилаётгани ўз тасдиғини топмоқда (1-жадвал).

1- ж а д в а л.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ахборот тизими(Lex.uz)даги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар динамикаси.

Йил:	2019 й.	2018 й.	2017 й.	2016 й.	2015 й.	2014 й.	2013 й.	2012 й.	2011 й.
Ҳужжат сони:	241	4012	3392	3067	2249	2545	3555	2416	1907

Ҳақиқатан ҳам амалий иқтисодиётнинг ҳуқуқий механизм билан ўзаро боғлиқли-гини таъминлаш кейинги пайтда мамлакатизда устувор аҳамият касб этмоқда. Айнан, асрнинг бошларида ривожланган мамлакатларнинг амалий иқтисодий фаолиятда шакллана бошлаган институционал иқтисодиёт, аср охирига келиб назария ва амалиёт-ни боғловчи соҳа сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаганини таъкидлаш лозим. Институционал иқтисодиётнинг энг муҳим тушунчалари жумласига институт ва норма тушунчалари киради. Институтлар таркиби: 1) Расмий қоидалар (конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий ҳужжатлар ва б.); 2) Норасмий нормалар (анъана-лар, урф-одатлар); 3) Қоидаларга амал қилинишини таъминловчи тартибга солиш

ва назорат қилиш идора ва муассасалари каби уч асосий қисмда изоҳланади. Норма сўзи-нинг тавсифи: иқтисодий муносабатлардаги муайян иш-харакатларни ташкил этиш (амалга ошириш)нинг тан олинган рухсат ёки таққ тариқасидаги тартиб қоидаси тарзида қўлланилади деб хулоса қилиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий амалиётда норма тушунчаси билан ёнма-ён равишда норматив тушунча-си ҳам кенг қўлланилади. Норматив тушунчасини муайян соҳа вакиллари фаолиятига дахлдор бўлган ўзаро алоқадор аниқ қоидаларнинг умумлаштирилган ҳолда расмий-лаштирилиши сифатида қайд этиш мумкин. Яна бир диққатга сазовор жиҳат шунда-ки, 2016 йил 23 сентябрдан бошлаб «Lex.uz»га норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги расмий манбаи мақоми берилиши билан бир қаторда 2019 йил 1 январдан эътиборан давлат органлари ва ташкилотларининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»га обуна бўлиш тугатилди. Шунингдек, мазкур материалларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига (www.lex.uz) ўтказган ҳолда нашр этиш тизими тасдиқланди.

Мурожаатноманинг мақсад ва вазифаларида иқтисодиётда давлат иштирокини кескин камайтиришни акс эттирувчи методологик яхлитлик ва норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси талаблари мужассамлигини таъкидлаш

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда дастурнинг биринчи йўналишлар туркуми «I. давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиш-лари» деб номланади ва унинг 10-29-бандлардан иборат иккинчи йўналиши (1.2. давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш)да қуйидагилар умумлаштирилган:

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг таркибига кирувчи идоралар фаолиятини туб-дан такомиллаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари лойиҳаларида: Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича асосий йўналишларни белгилаш; Бош вазир ўринбосарларининг бир вақтнинг ўзида акциядорлик жамияти ва компаниялари ҳамда давлат улуши мавжуд бошқа ташкилотларга раҳбарлик қилиш амалиётини бекор қилиш ҳамда уларнинг сонини оптималлаштириш; Бош вазир маслаҳатчиси лавозимини жорий қилиш; Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари, шу жумладан Йиғма ахборот-таҳлил департаменти фаолиятини тугатиш; Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари котибият-ларини ташкил қилиш; Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни жадаллаштириш; «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (янги таҳрирда) ва «Стратегик режалаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш; Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ўтказиш тартибини белгилаш; ҳукуматнинг ижтимо-ий-иқтисодий, маданий-гуманитар, ҳудудий ривожланиш, шунингдек ташқи-сиёсий ва ташқи-иқтисодий соҳалардаги ваколатларини, унинг аъзолари жавобгарлиги чегараларини аниқ белгилаш; ижро ҳокимияти органлари фаолиятини оптималлаштириш ва такомиллаштириш назарда тутилади.

Давлат бошқарувида илғор давлат менежменти ва «ақлли» бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтишга оид Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида: илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, давлат органларида профессионал бошқарувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий қилиш; давлат муассасалари фаолиятини бевосита фуқаролар билан ишлашга ихтисослаштириш; давлат органларининг «Халққа – кўмакчи, тадбиркорларга – бизнес ҳамкор» сифатида фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш; давлат ва хўжалик бошқарувида стратегик менежмент ҳамда риск менежментининг илғор инструментлари (усуллари)ни ўргатиш; раҳбар

фаолияти натижаларига доимий равишда баҳо бериш тизимини яратиш назарда тутилади.

Давлат бошқарувининг замонавий усулларини кенгайтиришга оид Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида: аутсорсинг, краудсорсинг ва давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш орқали хусусий секторга ўтказиладиган давлат органларининг вазифа ва функциялари рўйхати; аутсорсинг, краудсорсинг ва давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллаш орқали вазирлик ва идораларнинг штатлар сонини қайта кўриб чиқиш ва самарасиз штат бирликларини қисқартириш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантиришга оид Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларида: давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш; давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини ислоҳ қилиш; кадрларни танлашнинг самарали шакллари ва услубларини жорий қилиш; давлат хизматида кадрларни марказлаштирилган ҳолда саралаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва фаолиятини мониторинг қилиш тартиби; янги тайинланган раҳбар кадрларни, вазир ва ҳокимларни ўқитиш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш; давлат хизматчиларининг фаолиятига оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Замонавий давлат бошқарувини босқичма-босқич жорий қилишга оид Норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида: давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари ва услублари ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (KPI) жорий қилиш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини яратиш. Бунда ойлик иш ҳақини давлат хизматчиси томонидан қилинаётган ишлар, уларнинг натижадор-лиги, сифати, мураккаблиги, амалиётда тўғри ишлаётганлиги ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб белгилаш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий

тизимини яратиш эвазига ижтимоий ҳимоя ва қайта тайёрлаш чораларини кўрган ҳолда давлат хизматчиларининг сонини қисқартириш; вазирлик ва идораларнинг, айниқса, иқтисодиёт комплексига кирган ташкилотларнинг такрорланаётган функцияларини аниқлаш ва уларни тегиш-ли идораларга ўтказиш ёки бекор қилиш; давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини синов тариқасида жорий этиш назарда тутилади.

Давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги иштирокининг аниқ чегараларини белгилашга оид Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида рақобат мавжуд иқтисодиёт соҳаларида давлат иштирокининг аниқ чегаралари назарда тутилади.

Давлат-ҳокимият ваколатлари берилган идоралараро коллегиял органларни яна-да қисқартиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасида: идора-лараро коллегиял органлар (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар)нинг вазифа, функция ва ваколатларини таҳлил қилиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш; самарасиз фаолият юритаётган 150 дан ортиқ идоралараро коллегиял органларнинг вазифа ва функцияларини ваколатли органларга ўтказиш орқали уларнинг сонини янада қисқартириш назарда тутилади.

Шунингдек, юқоридаги Дастурнинг давоми бўлган учинчи йўналишлар туркуми «Иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари» деб номланади ва ундаги 50-133-бандлар: 1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш; 2. Банк ва молия ти-зимини ислоҳ қилиш ҳамда соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш; 3. Тад-биркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш; 4. Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмларини жорий этиш ва унга давлат аралашувини ка-майтириш; 5. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш; 6. Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш орқали соҳани

жадал ривожлантириш; 7. Вилоятлар, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш;

Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва инвесторлар ишончини оқлаш; 9. Жаҳон бозорларига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлашдан иборат тўққизта йўналишнинг 1–3-йўналишларида қуйидагилар умумлаштирилган.

«Хуфёна иқтисодиёт» салмоғини иқтисодий усулларни ишлатган ҳолда қис-қартириш борасидаги лойиҳа билан «хуфёна иқтисодиёт» омилларини соҳалар ва тармоқлар кесимида таҳлил қилиб, тадбиркорлар фаолиятига давлат идоралари томо-нидан ноқонуний аралашув ҳолатларига қатъий йўл қўймаслик; «холис харидор» тизи-мини кенг жорий қилиш, «хуфёна иқтисодиёт» бўйича «ишонч телефонлари»ни ташкил қилиш ва мазкур соҳада тасдиқланган хабарни берган шахсларни рағбатлантириш; давлат органлари ишида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш назарда тутилади. уни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар дастури тасдиқланади.

Банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш борасидаги лойиҳа билан Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқиладиган банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия тасдиқланади. Стратегияда: давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзли банк кредити ажратиш амалиё-тини тубдан такомиллаштириш, бунда кредит фоизини қисман компенсация қилиш амалиётини кенгайтириш; банклардаги давлат улушини босқичма-босқич камайтириш; молия бозорлари, шу жумладан фонд бозори, давлат қимматли қоғозлари иккиламчи бозори ва ҳосилавий молиявий инструментлар бозорини ривожлантириш; аҳолига кредит ажратишда, кредит буюртманомаси, ҳужжатларини тақдим қилиш ва уларни кўриб чиқишнинг автоматлаштирилган механизмини (кредит конвейерини) жорий қилиш орқали банк операцияси жараёнларида инсон аралашувини минималлаштириш; ҳудудларда банк карталари ва уларга хизмат кўрсатувчи жиҳозлар (тўлов терминали, инфокиоск ва банкоматлар) сонини кескин

ошириш; банк ва мижоз ўртасидаги муно-сабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизмати турларини янада кенгайтириш; банк карталари орқали кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш, шу жумладан кредит карталарини жорий этиш; замонавий молиявий технологиялар ва тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришнинг краудфандинг ва бошқа муқобил механизмларини ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий асосларни яратиш; банк хизматлари сифатини ошириш мақсадида тижорат банклари фаолиятига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI), мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик индекси (CSI), мижозларнинг банк хизматларини бошқаларга тавсия этиш индекси (NPS) каби кўрсаткичларни жорий этиш; маҳаллий ва халқаро банк пластик карточкалари бўйича ҳисоб-китобларда банklar орасида ахборот ва технологик ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Миллий банklarаро процессинг марказини ишга тушириш; миллий тўлов тизимини халқаро тўлов тизимлари (Visa, Master Card ва бошқалар) билан интеграциялаш; молия бозори инфратузилмасини ри-вожлантириш, микромолиялаш жараёни ва микрокредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётдаги ул?шини ошириш борасидаги лойиҳада: капитал (фонд) бозорининг миллий иқтисодиётдаги мавқеини ҳамда инвестицияларни жалб этишдаги ролини ошириш, биржа савдоларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш; соҳани тартибга солувчи ваколатли давлат органи фаолиятини халқаро ташкилотлар, хусусан IOSCO тамойилларига мослаштириш; маҳаллий эмитентларнинг қимматли қоғозларга жаҳонда тан олинган идентификация кодларининг (ISIN, CFI) бевосита Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томо-нидан берилиши назарда тутилади.

Давлат акция пакетларини «Битта акция – битта лот» тамойили асосида сотиш тартибини жорий этиш борасидаги лойиҳада давлат

акциялари савдосига аҳоли ва инвесторларни жалб этишни чекловчи
акцияларни йирик миқдорда савдога чиқариш амалиётини такомиллаштириш
назарда тутилади.

Валюта бозорини янада эркинлаштириш борасидаги лойиҳа билан
«Валюта-ни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги
лойиҳада: соҳага оид қонуности ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш,
ҳаволаки нормаларни мак-симал даражада қисқартирган ҳолда валюта
операцияларини амалга оширишга оид барча жиҳатларни тартибга солиш;
халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида ва тадбиркорлар эҳтиёжларини
инобатга олган ҳолда, валюта операцияларини тартибга солишни
соддалаштириш; жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз валюта маблағидан
эркин фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатини мустаҳкамлаш; мамлакатнинг
иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, капитал ҳаракати билан
боғлиқ операцияларни тартибга солиш; валюта бозори фаолиятини янада
такомиллаштириш ва эркинлаштириш; норезидентларнинг Ўзбекистон
Республикасида фаолият юритиши натижасида олинган маблағларини чет эл
валютасига айирбошлаш амалиётини янада соддалаштириш назарда
тутилади.

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини
хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни
лойиҳасини ишлаб чиқиш борасидаги лойиҳа билан юридик шахслар ва
фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер
участкаларини хусусийлаштириш тартиби назарда тутилади.

Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» рейтингига 2020 йил якуни
бўйича барча йўналишларда Ўзбекистоннинг ўрнини тубдан яхшилаш
чораларини кўриш борасидаги лойиҳа билан Дастурда қурилиш йўналишида
50 таликка, мулкни расмий-лаштиришда – 30 таликка, миноритар
акциядорлар ҳимоясида – 20 таликка, халқаро савдода – 50 таликка кириш ва
бошқа йўналишларда Ўзбекистоннинг ўрнини тубдан яхшилаш чоралари
назарда тутилади. Шунингдек, қурилиш соҳасида: қурилиш ишла-рига

рухсат бериш, лойиҳалаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараё-нини тубдан соддалаштириш; шаҳарсозлик норма ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш; қурилиш-монт аж ишларини амалга оширишга рухсатнома олишни соддалаштириш; Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо 36 та мамлакатнинг қурилиш соҳасидаги лицензия ва бошқа рухсатномаларини тан олиш тартибини жорий этиш; Шаҳарсозлик кодексини тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат сифатида янги таҳрирда ишлаб чиқиш бўйича амалий тадбирлар белгиланади.

Рақамли иқтисодиёт миллий стратегиясини ишлаб чиқиш борасидаги лойиҳа билан «Рақамли Ўзбекистон-2030» миллий стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича «йўл харита»си лойиҳасида: «Рақамли Ўзбекистон-2030» миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш; давлат хизматлари кўрсатиш, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли трансформация қилиш; бизнес харажатлари ва маъмурий юкломани камайтириш мақсадида маъмурий тартиб-таомилларни рақамлаштириш назарда тутилади.

Маъмурий тартиб-таомилларни тизимлаштириш ва соддалаштириш лойиҳасида мавжуд маъмурий тартиб-таомилларни хатловдан ўтказиб, ягона ҳужжатда жамлаш ҳамда алоҳида қабул қилинган регламент ва қарорларни бекор қилиш назарда тутилади.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятида миноритар акциядорлар иштирокини ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш лойиҳасида: акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликда аффилиланган шахслар билан битим тузишга нисбатан талабларни кучайтириш; қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадларни (дивиденд, фоиз) Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари орқали тўлаб бериш механизмини жорий қилиш; акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан иштирок этиш; акциядорлик жамиятлари фаолиятида юзага

келадиган муҳим фактларни қимматли қоғозлар биржа котировкалаш варағига кирган ва (ёки) акциядорларининг умумий сони 50 нафардан ортиқ акциядорлик жамиятлари томонидан ошкор этилиши назарда тутилади. Ўз навбатида мазкур методологик асос ёндошув ва принциплар ҳамда усул ва воситаларнинг ўзаро изчил алоқадорлиги ва узвий боғлиқлигидан иборат бўлган яхлитликни ташкил этади.

Айни чоғда: ўсиш ва ривожланишдаги барқарорлик; мутаносиб ва мувозанатли узлуксизлик; сабаб ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги; сифат ва миқдорнинг ўзаро алоқадорлиги; тасодиф ва заруратда изчиллик; омилкорлик ва натижадорликда уз-вийлик; манфаат ва масъулиятнинг яхлит уйғунлиги каби асосий принципларга амал қилиш Мурожаатнома мазмунини ташкил этади. Юқоридаги принципларга амал қилиш эса, иқтисодий ислохотларда самарали истиқболларга эришиш шарти ҳисобланади.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтиришдаги кенг қамровлилик норматив ҳужжатларда ифодаланган макроиқтисодий институционал ислохотларда акс этди.

Мурожаатномада баён этилган ислохотлар кенг қамровлигининг яна бир жиҳати яқин пайтгача «хусусий мулк улушини ошириш» шаклида чекланган вазифаларнинг «иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш» шакли ва маз-мунидаги янги сифат поғонасига кўтарилишидир. Яъни, эндиликда тобора хусусий мулк улушини ошириш баробарида, давлат-хусусий шериклигини қўллаб-қувватлаш, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини эркинлаштириш кабиларга эътибор ортмоқда. Ушбу тенденцияни қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар сони ва салмоғи ўзгаришида кузатишмоқда.

Мурожаатномада эътибор берилган ва очиқ айтилган яна бир салбий жиҳат, юқори идоралар таъсисчилигидаги корхоналарда эркин ва соғлом рақобатга йўл берилмаслиги ва тартибсиз бошқарилиши ва самарадорликка салбий таъсир кўрсатилишидир. Бу Агентлик давлат мулкани бошқариш,

давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, акция ва облигациялар чиқариш йўли билан уларни молиявий соғломлаштириш, хусусийлаштириш жараён-ларига бош-қош бўлиши белгиланган.

Давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарини бошқа-ришни тубдан такомиллаштиришга оид лойиҳада: барча давлат бошқаруви органларига тегишли акциялар ва улушларни бошқариш функциясини ягона ваколатли идорага юклаш; давлат улуши бўлган корхоналарнинг ташкилий тузилмасини, Кузатув кенга-ши ва ижро органи таркибини қонун ҳужжатлари билан тасдиқлаш амалиётини бекор қилиш; давлат улуши бўлган корхоналарнинг ижро органи аъзоларини вазир ва унинг ўринбосарлари мақомига тенглаштириш амалиётидан воз кечиш; давлатнинг ишончли вакили фаолиятини тугатиб, унинг вазифаларини кузатув кенгаши таркибига кири-тилган давлат вакили зиммасига юклаш; акциядорлик жамиятлари кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзоларни киритиш амалиётини кенгайтириш; вазирлик ва идо-раларнинг ўзи тартибга соладиган соҳада фаолият кўрсатаётган хўжалик жамиятлари таъсисчиси бўлиши амалиётини босқичма-босқич бекор қилиш назарда тутилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокининг мақсадини белгилаш ва давлат аралашуви-ни янада камайтиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасида: давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат корхонасини ташкил этиш ва фаолият юритиш мақсадларини белгилаш; белгиланган мақсадларга мувофиқ бўлмаган давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни тақиқлаш; монополияга қарши курашиш органининг ижобий хулосасисиз давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш амалиётига чек қўйиш; давлат иштирокидаги барча корхоналарнинг белгиланган мақсадларга мувофиқлигини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи тузиш; хусусий сектор сама-рали фаолият кўрсатаётган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида пахта тозалаш, ун, ёғ-мой, гўшт-сут, озиқ-овқат саноати ва бошқа шу каби рақобат мавжуд бўлган соҳалар корхоналаридаги давлат улушини сотиш назарда тутилади.

Давлат унитар корхоналари ажратмаларини давлат бюджетига ўтказиш меҳна-ниҳмларини такомиллаштиришга оид лойиҳада: давлат унитар корхоналари йиллик йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилиши ва давлат бюджетига ажратмалар соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан 60 кундан кечиктирмай тўланиши; давлат унитар корхоналарининг бошқа жамият устав фондидаги улуши бўйича дивиденд давлат унитар корхоналарининг даромад манбаларидан бири ҳисобланиши назарда тутилади.

Ашёвий ҳуқуқлар ва юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари танқидий кўриб чиқишга оид қонун лойиҳасида юридик шахсларнинг «унитар кор-хона» ташкилий-ҳуқуқий шаклини бекор қилиш, хўжалик юритиш ҳуқуқини бекор қилиш назарда тутилади.

Давлат ва хўжалик бирлашмалари улуши мавжуд бўлган айрим акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини бирламчи ва иккиламчи оммавий таклиф асосида реализация қилишга оид ҳужжат лойиҳасида акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклиф асосида реализация қилиш назарда тутилади.

Лицензия ва руҳсатномалар бериш жараёнини соддалаштиришга оид лойиҳада: лицензия берувчи органлар томонидан лицензия олувчиларни мажбурий ўқитиш, ма-лақасини ошириш тартибини қайта кўриб чиқиш; тадбиркорлик субъектлари раҳбар ва ходимларини тайинлашни лицензия ва руҳсатнома берувчи давлат органлари билан келишиш тартибини қайта кўриб чиқиш назарда тутилади.

Солиқ ва божхона имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилишга оид чора-тадбирлар дастури билан тегишли солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланади.

Дастурнинг учинчи йўналишлар туркумидаги бешинчи йўналиш («3.5. Иқтисоди-ётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш

орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш»)даги 86-88-бандларда қуйидаги вазифаларида келтирилган:

Йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш дастурида: 2020 йилдан бошлаб йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш; давлат улуши мавжуд бўлган йирик корхоналар аудитини ўтказиш учун етакчи халқаро компанияларни жалб этиш; ўнта етакчи халқаро аудит компаниялари-ни Молия вазирлигидан аккредитациядан ўтказиш тартибини бекор қилиш назарда тутилади.

Давлат томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва унинг нархини белгилаш амалиётини бутунлай қайта кўриб чиқиб, бозор тамойилларини жорий этиш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан нарх шакллантиришни эркинлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини белгилашдан воз кечиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланади.

Рақобатга оид муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Лойиҳада «Табиий монополиялар тўғрисида»ги ва «Рақобат тўғрисида»ги қонун нормаларини бирлаштириш ва янада такомиллаштириш назарда тутилади.

1.3. Реал сектор тармоқларини модернизациялаш зарурати ва омиллари

Давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим³.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.press-service.uz/ru/lists/view/>

Бинобарин, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 9,4 фоиз камайтиришга эришилди.⁴

Маҳаллийлаштириш – импорт қилинадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали унга бўлган ички талабни қондириш ва экспортини йўлга қўйиш, демакдир. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши куйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;

⁴ Uza.uz. 20.10.2016й.

- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг кўламли кўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги 1048-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилиндилар.

2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 50 дан ортиқ янги тури, жумладан, нефть-газ-кимё ускуналари, конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, автомобиллар спидометри, электр печлар, сув тўплайдиган электр иситгичлар, спорт тренажёрлари, болалар велосипеди ва самокатлари ҳамда бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.⁵

Республика Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига халқаро

⁵ Uza.uz. 20.10.2016й.

мақоми берилди. Иқтисодийнинг реал секторини ривожлантириш вазифаларини ҳал эта бориб Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси узок муддатли хўжалик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун зарур қонунчилик базаси ва бозор инфратузилмасини яратиш, тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва халқаро кооперация доирасида корхоналарга зарур хом ашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланишлари имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси икки босқичда:

- биринчи босқичда – тармоқ кўрғазмалари ва ярмаркалари;
- иккинчи босқичда – Халқаро тармоқлараро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилади.

Охири йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг қуйидаги натижалари унинг юқори самара берганлигини кўрсатади:

- ярмаркада 378 та маҳаллий корхона, 46 та хорижий давлатнинг 600 та фирмаси вакиллари иштирок этди;
- жами ташриф буюрганлар сони 41 минг кишини ташкил этди;
- ярмаркада илгаридан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан бирга 124 турдаги янги тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар намоёниш қилинди;
- кооперация биржаси давомида 2,9 трлн. сўмлик шартномалар имзоланди;
- мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган 2,8 млрд. АҚШ долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича хорижий фирмалар билан шартномалар тузилди ва ҳ.к.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш – саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёнидир.

Импорт ўрнини босиш самараси эса— маҳаллийлаштириш жараёнини амалга ошириш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар натижасида тежалган импорт маҳсулотлари қийматидир.

Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғланган жараёнлардир. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун шарт-шароит яратади.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан яна бири – бу саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнидир.

Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан ошириш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ҳам амалий самарасини бермоқда. Ўтган йили ана шундай товарлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бундай товарларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим рол ўйнади. Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чораларининг изчил амалга оширилиши барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш учун

етарли шарт-шароитларни яратди. Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғланган жараёнлардир.

Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

- саноат корхоналарининг ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияси доирасида узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун зарур қонунчилик базасини ва бозор инфратузилмасини яратиш;

- ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни амалга ошираётган корхоналарнинг зарур хом ашё ва кредит захираларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

- маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳар йили қабул қилинадиган Дастурларнинг саноат кооперациясини ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек дастурларга киритилган маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилиши учун ижрочиларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

- янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни йирик ва кичик корхоналарда жорий этиш имконини берадиган инновация лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун венчур жамғармаларини, шунингдек инфратузилма объектларини ташкил этиш.

1.4. Кластерлаштириш реал секторда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий шакли сифатида

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасида яқинда қабул қилинган “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурида мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари ифодаланиб, улар сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ўсиш соҳасида шаклланган қарашларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида шиддатли, сифат жиҳатдан янги таркибий ва эркин бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликлари тубдан қайта кўриб чиқилмоқда, иқтисодиётни ҳақиқатда ҳаракатга келтирувчи қувватга эга бўлган иқтисодий ўсишнинг янги, амалий драйверлари жорий этилмоқда. Эски, ўз аҳамиятини йўқотган институт ва иқтисодий регулятив воситалар иқтисодиётга таъсир этишнинг янги инновацион ва самарали шакл ҳамда усулларига ўз ўрнини бўшатиб бермоқда⁶.

Саноат корхоналари вертикал ва горизонтал интеграциясининг жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича корхоналар кооперациясини ривожлантиришнинг истикболли йўналишларидан бири бўлиб уларнинг кластерда бирлашиши ҳисобланади. Моҳияти жиҳатидан саноат кластери бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жадал жорий этиш имконини беради. Пировардида эса, хом ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади⁷.

Саноат кластерлари деганда саноат корхоналарининг ҳудудий белгиси бўйича ва улар билан узоқ муддатли кооперацион алоқалари мавжуд бўлган бошқа иқтисодий субъектларнинг ўзаро боғлиқ мажмуаси тушунилиб унда иқтисодий манфаатларнинг умумийлигини таъминлаш орқали муайян ҳудудда ишлаб чиқариш ва капиталнинг жамланишини ҳамда рақобат афзалликларини кучайтириш ҳисобига саноат корхоналари ривожланиш самарадорлигини оширишга имкон яратилади.

⁶ Обидов Р., “Кластер тизимда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш харажатлари ҳисобининг хусусиятлари”// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2018 йил

⁷ Атаниёзов Ж.Х. Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг истикболли йўналишлари// Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил

Битта ҳудудда жойлашган саноат корхоналарининг ўзаро ва бошқа иқтисодий субъектлар билан биргаликда фаолият юритишининг кўплаб умумий зарурат ва имкониятлари мавжуд бўлиб бу ҳолат, интеграциялашган корпоратив тузилмаларни жумладан, саноат кластерларини шакллантиришни тақозо этади. Саноат кластерларини ташкил этиш асосида саноат корхоналари ва улар билан узоқ муддатли кооперацион алоқаларга эга бўлган бошқа иқтисодий субъектларни кўшимча рақобат афзалликларига эга бўлиш ва истиқболда фойдани ошириш мақсадида бирлаштириш ётади.

Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида саноат кластерлари муҳим ўрин тутаяди, чунки уларда иштирокчиларнинг биргаликда фаолият юритиши кучайиб бораётган рақобатлашув шароитида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ошишига имкон яратаяди. Бунга саноат корхоналарининг кўп томонлама ва кўп даражали ўзаро фаолияти ҳамда интеграциялашган тузилма барча иштирокчилари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали эришилади. Интеграция натижасида юзага келадиган имкониятлар кўшимча рақобат афзалликларини шакллантиришга шароит яратаяди.

Бугунги кунда Германияда (кимё ва машинасозлик), Сингапурда (нефтькимё саноати), Францияда (озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва косметика), Японияда (машинасозлик) соҳаларида кластерлар муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда.

Дунё амалиётида кластерлар фаолиятини ташкил этишнинг бир неча моделлари мавжудлиги боис, мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш масаласига бир томонлама ёндашиш бизнингча маъқул эмас. Масалан, кластерлар фаолиятини йўлга қўйишнинг европа модели табақалаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ўзаро рақобатлашувчи корхоналарнинг маълум бир ҳудудда мужассамлашувини ва мазкур корхоналарнинг ушбу ҳудуддан ташқарида алоҳида маркетинг стратегиясини қўллашларини ифода этса, кластерлар фаолиятини ташкил этишнинг шимолий америка модели эса ҳудудий ихтисослашув тамойили

бўйича ўзаро иқтисодий алоқаларга киришувчи корхоналарнинг географик жихатдан бир жойда мужассамлашишини кўзда тутди.

Кластерлар фаолиятини йўлга қўйишнинг осие модели юқоридаги икки моделдан бироз фарқ қилиб, у давлатнинг иқтисодий сиёсати доирасида маълум бир ҳудудда йўлга қўйилган корхона ва ташкилотларнинг вертикал интеграциясини назарда тутди.

Ва ниҳоят кластерлаштиришнинг тўртинчи, япон модели етакчи-корхона атрофида кичик корхона ва ташкилотларнинг тўпланиши ва уларнинг ўз фаолиятларини биргаликда ташкил этишлари билан тавсифланади. Бундай кичик корхона ва ташкилотлар етакчи-корхонага ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар етказиб бериш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида нарх ва сифат борасида ўзаро рақобатлашадилар. Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, кластерлаштиришнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи моделларида кластернинг ичида кескин рақобат кураши мавжуд, бунда япон модели ривожланиш вектори етакчи – корхона томонидан белгилаб берилиши билан ажралиб турса, осие модели эса кластерлаштиришда давлатнинг йўналтирувчи ва бошқарувчи сиёсати муҳим аҳамият касб этиши билан ажралиб туради. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам ишлаб чиқариш турлари ва йўналишларини танлаб олиш босқичида кластер доирасида ўзаро рақобатлашаётган фирмалар товарларни сотиш босқичида ўзаро кооперациялашиш йўлини тутадилар. Кластерда рақобатнинг мавжудлиги кластернинг иқтисодий жихатдан заиф ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлашини англамайди, кластерда иштирок этиш учун корхона маълум бир талабларга жавоб бериши лозим. Бундай талаблар сирасига корхона маҳсулотларининг маълум бир сифат мезонларига жавоб бериши ва истеъмолчиларга маҳсулотлар етказиб беришда узилишларга йўл қўймаслик кабиларни киритишимиз мумкин.

Кластер динамик тузилма ҳисобланади: унинг таркиби ва унга кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар сонининг ўзгариши мумкинлиги кластернинг

иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бошқа шаклларига нисбатан устун жихатларидан биридир.

Мамлакатимизда тарихан таркиб топган вазият, узоқ йиллар мобайнида маъмурий-буйруқбозлик тизими ва вертикал интеграция алоқаларининг устун бўлиб келганлиги бир қарашда мамлакатимиз учун осие модели мос келишини кўрсатсада, бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ташаббуслари кластерларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Мажбурий йўсинда корхоналарни “юқоридан” сунъий равишда интеграциялашга ундаш ҳолатида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларига ўхшаш тузилмаларнинг вужудга келсада, бундай ҳолатда кластерларни ташкил этишдан кўзланган асл мақсад ўз аҳамиятини йўқотади. Шу сабабли ҳам агросаноат кластерларини ташкил этишда иқтисодий жихатдан асосланган шарт-шароитлар ва тарихан таркиб топган вазият лозимлигини унутмаслигимиз лозим.

Шу билан бир қаторда бир қатор тадқиқотчилар ҳудудий иқтисодий кластер моделига давлат бошқаруви органларини киритадилар ва ҳудудий ривожланиш стратегияларида кластерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари муҳим ўрин тутишини таъкидлайдилар⁸.

Ҳар бир ҳудуд доирасида интеграцион тузилмаларни барпо этиш бўйича услубий ишланмаларни ишлаб чиқиш орқали юқорида келтириб ўтилган саволларга осонлик билан жавоб топишимиз мумкин бўлади.

Ҳудудларнинг табиий-ресурс, ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳияти, ҳудуддаги экологик вазият, ҳудудда яшовчи аҳоли менталитети, ҳудуд ландшафтларининг маданий жихатдан ўзлаштирилганлик даражаси ва шу кабилар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жихатдан ривожлантиришнинг истиқболли дастурлари ва режаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий-тарихий ёндашувга асосланган таҳлил ғарб мамлакатларида янги самарали кооперация шакллари ва кластер стратегиялари 1970-йилларда

⁸ Атаниёзов Ж.Х. Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари// Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил

бошланган глобаллашув жараёнлари ва информацион-технологик инқилоб натижасида шаклланганлигини кўрсатади. Бир қатор мамлакатларда кластерга хос белгиларни ўзида мужассамлаштирган фирмалар гуруҳи бундан чамаси 100 йиллар олдин ҳам мавжуд бўлган бўлсада, бироқ айнан бугунги кунга келиб ахборот-коммуникация технологияларининг жадал тараққий этиши ҳисобига юқори рақобатбардошликка эга бўлган илмий-тадқиқот, таълим ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кооперацияси ривож топа бошлади.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб кластерлар корхоналарнинг географик концентрацияси сифатида бутун дунёда ҳудудий ривожланиш стратегияларини шакллантиришнинг асосий дастакларидан бири сифатида муҳим ўрин эгаллай бошлади.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни кластерли таҳлил қилиш ва кластер стратегиялари мамлакатимиз иқтисодий фанида ҳали кенг қулоч ёзмаган бўлсада, собиқ иттифоқ даврида ҳудудий-саноат комплекслари анчагина тараққий этганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Корхоналар ва уларнинг ҳамкорлари ўртасида кооперациянинг кластер шаклининг ривожланиши уларнинг трансакцион харажатларини сезиларли даражада қисқартиради, иштирокчиларнинг ўзаро самарали алоқалари, кўлам самараси, маҳсулотларни стандартлаштириш, иштирокчилар ўртасида рақобат курашининг сақланиб қолиши, бошқарувда инновацион тавсифга эга бўлган усул ва воситалардан фойдаланилиши ҳисобига юқори синергетик самарага эришилади.

Кластерлар иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган ва энг самарали турларини бирлаштирган ҳолда, ҳудуднинг маҳаллий, миллий ва жаҳон бозорларидаги ўрнининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли ҳам мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида кластерли ёндашувнинг ресурс имкониятларини чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари ва ихтисослашув даражасидан келиб

чиққан ҳолда кластерлар фаолиятини ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратиш талаб этилади.

Кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришда илмий ва технологик инфратузилманинг мавжудлиги ва шунингдек, салоҳиятли иштирокчиларнинг билимларни узатиш ва кооперацияга руҳий жиҳатдан тайёрлиги, улар ўртасидаги ишонч даражасининг мустаҳкамлиги муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси иқтисодий фаолият иштирокчиларидан маълум бир билимларни ва маданиятни талаб қилишини ёддан чиқармаслик лозим.

Юқори самара билан ривожланиб бораётган кластерлар ва кластерларнинг эришган иқтисодий натижалари, уларнинг таълим, ишлаб чиқариш ва илмий ташкил этувчиларининг мавжудлиги “билимли инсон”нинг шаклланишига, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатгани ҳолда, ҳудудларга ўзларининг ишлаб чиқариш ва технологик салоҳиятини ошириш, самарали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини шакллантириш, рақобат устунликларини янада мустаҳкамлаш имкониятини таъмин этади.

Бундай кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш учун энг аввало хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг иқтисодий қарашларини ўзгартириш талаб этилади.

Бугунги кунда “кластер сиёсати” тушунчаси нинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётига мослашуви жараёни кечмоқда.

Ҳудудларда кластерлаштириш жараёнини кенгайтириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- саноат тармоқларида кластерли ривожланиш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш;
- кластерларни ташкил этиш учун зарурий шароитларни яратиш;
- янги рақобат афзалликларини шакллантириш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қобилиятли саноат кластерларини ташкил этиш;

– кластерлар фаолиятининг барча босқичларида инновацион муҳитни шакллантириш.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек мазкур соҳада унумдорликни оширишга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Сирдарё вилоятида амонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3279-сонли Қарорининг қабул қилиниши муҳим ўрин тутди. Мазкур қарорга асосан пахта хом-ашёсини етиштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, уларни чуқур қайта ишлаш ва тижорат банклари инвестициялари ҳамда кредитларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобига рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича замонавий кластер «Век cluster» маъсулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона ташкил этилди.

«Век cluster» МЧЖ ҚК таркибига қуйидаги ташкилотлар киритилди:

1. Пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича қишлоқ хўжалиги ташкилотлари.
2. Пахта хомашёсини қайта ишлаш бўйича ташкилот.
3. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ташкилот.
4. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ташкилот.
5. Тухум, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш бўйича ташкилот (чорвачилик ва паррандачилик мажмуаси).
6. Сабзавотлар етиштириш бўйича ташкилот (замонавий иссиқхона мажмуаси).
7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича ташкилот.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, мазкур пахтачилик-тўқимачилик кластерининг шакллантирилиши йирик интеграциялашган

саноат тузилмасининг вужудга келишига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш асосида аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳудудий иқтисодий салоҳиятнинг янада юксалишига имкон яратади.

Одатда кластердан ташқари хўжалик фаолиятининг тараққиёти суст амалга ошади. Кластерда тизимли алоқалар рақобат устунликлари эвазига ривожланиб бораверади:

- бошқа тармоқлардан келиб қўшилган ишлаб чиқарувчилар янги стратегияларни амалга ошириш учун ресурслар тақдим этган ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантирган ҳолда тараққиётни тезлаштирадilar;

- турли рақобатчилар билан алоқада бўлган таъминотчилар ёки истеъмолчиларнинг каналлари орқали ахборотларни мақсадли айрибошлаш ва янгиликларнинг тезкор тарқалиши амалга ошади;

- кўпинча олдиндан айтиб бўлмайдиган алоқаларнинг кластер ичида содир бўлиши сифат жиҳатдан мутлақо янги имкониятларнинг ва рақобат курашида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келади;

- инсоний ресурслар ва ғоялар кластерга инновацион рента олиш имкониятини берувчи янги имкониятлар ва натижалар тақдим этади.

Фаолият кўрсатиш ва ўзига хос таркибий жиҳатлар билан боғлиқ ҳолда кластерларнинг уч типи фарқланади:

- одатда илмий-тадқиқот муассасалари ёки олий таълим муассасалари (ИТИ, ОТМлар) билан ўзаро боғланган иқтисодийнинг ўзаро яқин бўлган секторларининг иқтисодий фаоллиги билан ажралиб турувчи ҳудудий тузилмалар;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг кетма-кетликдаги босқичлари кластер ядросини ташкил этувчи вертикал ишлаб чиқариш занжирлари (масалан, “таъминотчи-ишлаб чиқарувчи-сотувчи-истеъмолчи”) ёки бош компаниялар атрофида шаклланивчи тармоқлар;

– агрегациянинг юқори даражасига эга бўлган саноат тармоқлари (масалан, “кимё саноати кластери”) ёки агрегация даражаси янада юқори бўлган иқтисодий секторлари тўплами (масалан, “агросаноат кластери”).

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб бутун дунёда кластерлар бир маконда жойлашган ҳолда фаолият кўрсатиш, кооперация ва рақобат ҳисобига юқори фойда олиш имконини берувчи корхоналарнинг географик концентрацияси сифатида регионал ишлаб чиқариш тизимларининг локал рақобат устунликларига мўлжалланган ҳудудий ривожланиш стратегияларини шакллантиришда асосий ўрин тута бошлади. Бу эса ўз навбатида саноат сиёсати тамойилларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб бутун дунёда кластерлар бир маконда жойлашган ҳолда фаолият кўрсатиш, кооперация ва рақобат ҳисобига юқори фойда олиш имконини берувчи корхоналарнинг географик концентрацияси сифатида регионал ишлаб чиқариш тизимларининг локал рақобат устунликларига мўлжалланган ҳудудий ривожланиш стратегияларини шакллантиришда асосий ўрин тута бошлади. Бу эса ўз навбатида саноат сиёсати тамойилларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Шундай қилиб кластер сиёсати миллий ёки ҳудудий даражада ривожланишни таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида майдонга чиқади, тадбиркорлик секторининг самарадорлиги бевосита маҳаллий бизнес-муҳит билан боғлиқдир: иш унумдорлиги юқори бўлган компаниялар малакали ходимларга эга бўлишни, атрофда бўлаётган жараёнлардан доимий равишда бохабар бўлиб туришни, самарали бошқарув усулларидан кенг фойдаланишни, такомиллашган инфратузилма объектлари ва хизматларига эгаллик қилишни, ишончли таъминотчилар билан ишлашни ва айтиш мумкинки, юқори рақобат босими остида ишлашни маъқул кўрадилар.

Замонавий иқтисодий тараққиёт ва бугунги кун амалиёти кўрсатишича ички рақобатнинг юқори даражасига эга бўлган иқтисодий тизимлар самарадорликнинг энг юқори кўрсаткичини таъмин эта оладилар.

Шу сабабли ҳам рақобат кураши кластерлар концепциясининг асосий унсури саналади, айнан мана шу жиҳат ва устунлик кластерни кооперациялашувнинг бошқа шаклларида фарқловчи жиҳат ҳисобланади

Кластерлар ва рақобат курашининг ўзаро боғлиқлиги бир нечта йўналишларда намоён бўлади. Кластер ичидаги ўзаро мусобақалашиб кластер фаолиятининг янада кенгайишига ва самарадорликнинг ошишига олиб келади, иштирокчиларни ўз фаолиятларини доимий тарзда такомиллаштириб боришга, унинг самарадорлигини оширишга ва инновацион изланишга ундайди, кластер аъзоларининг географик жиҳатдан ўзаро яқинлиги ўз навбатида рақобатнинг кучайишига олиб келади.

Иқтисодий тараққиётга давлат томонидан аралашиб усуллари анъанавий тарзда бозорнинг такомиллашмаганлиги (ижтимоий ва экологик мўлжалларнинг мавжуд эмаслиги, муттасил тарзда инқирозларнинг вужудга келиш хавфи) билан асослаб келинган бўлса, бугунги кунда давлатнинг иқтисодиётга аралашиб кўламларини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш, иқтисодий муносабатлар тизимида давлат-хусусий шерикчилик алоқаларини йўлга қўйишда кластерли ёндашув истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўз моҳиятига кўра, кластер сиёсати саноат, ҳудудий, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш, инновацион, илмий-техникавий сиёсатни амалга ошириш усул ва воисталарини ўзида мужассамлаштиради.

Кластер сиёсати кластернинг турли иштирокчилари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш, билим ва тажрибаларни айрибошлаш борасида вужудга келувчи тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган регулятив тавсифга эга бўлган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишни кўзда тутди. Маҳаллий бошқарув органлари кластерлаштириш жараёнини амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Энди оёққа туриб келаётган кластерларни қўллаб-қувватлаш ёки ўз фаолиятини анчадан бери давом эттириб келаётган

кластерлар фаолиятини такомиллаштиришда давлат сиёсати фавқулодда катта аҳамият касб этади.

Амалда кластер сиёсатининг бешта типи фарқланади:

1. кластер ичида кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва иштирокчилар ўртасида конструктив мулоқотни йўлга қўйиш учун зарурий шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган воситачилик сиёсати.

2. талабни рағбатлантириш сиёсати – давлат буюртмаларини шакллантириш, иқтисодиётнинг ўзаро уйқаш ва қўллаб-қувватловчи секторларини ривожлантириш, ҳудуд ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулот ва хизматларига нисбатан истеъмолчиларнинг мойиллигини ошириш.

3. асосий мақсади ҳудудда юқори малакага ва зарурий компетенцияга эга бўлган кадрлар тайёрлашдан иборат бўлган таълим сиёсати.

4. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, инфратузилмавий ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, савдо тўсиқларини бартараф этишга қаратилган ташқи алоқаларни рағбатлантириш сиёсати.

5. макроиқтисодий, институционал ва шу каби соҳаларда қўлай таркибий шарт-шароитлар яратишни кўзда тутувчи кластер сиёсати.

Одатда кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришда бир-бирини тўлдирувчи стратегиялардан фойдаланилади:

- янги билимлардан самарали фойдаланишга йўналтирилган стратегиялар;

- ҳамкорликнинг янги шакл ва тизимларини яратишга қаратилган стратегиялар.

Вақт ўтиши билан кластерлар фаолияти давлат бошқаруви органлари диққат марказида бўлиш билан бир қаторда, ташқи ресурслар ва йирик капитал қўйилмаларини жалб этишнинг асосий сабабчи омилларидан бирига айланиб боради.

Рақобатчилар, истеъмолчилар ва таъминотчилар фаолиятини тизимли ташкил этиш ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва кооперацияси самарадорлигининг янада ортишига олиб келади. Мазкур вазиятда кўплаб

кичик корхоналар кластерлар фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳисобига ўз фаолиятларини йўлга қўйиш ва даромад олиш имконига эга бўладилар.

Кластер иштирокчилари ўртасида мустаҳкам алоқаларнинг йўлга қўйилиши эвазига ихтиролар, янги ишланмалар ва технологияларнинг инновацияларга, инновацияларнинг эса - рақобат устунликларига трансформацияланиши амалга ошади.

Кластер стратегиялари Европа мамлакатларида кенг қўлланиб келинмоқда. 1995 йилдан буён Германияда Bio Regio биотехнологик кластерларини яратиш дастури амалда бўлиб келмоқда. Буюк Британияда ҳукумат Эдинбург, Оксфорд ва Жанубий-шарқий Англия ҳудудлари атрофини биотехнологик фирмаларни жойлаштириш учун асосий ҳудудлар сифатида ажратиб берган. Норвегияда ҳукумат “денгиз хўжалиги” кластерига кирувчи фирмалар ўртасидаги ҳамкорликни турли йўллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда рағбатлантирилади. Францияда мавжуд 67 та кластерлардан 3 таси тўлиқ тўқимачилик кластери ҳисобланади, хусусан Up-Tech – кластери пахта, жун ва зиғир толасидан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Кластер таркибига 192 та субъект киритилган бўлиб, уларнинг 153 таси француз ва трансмиллий тижорат компаниялари ҳисобланади. Кластернинг асосий мақсади соҳада юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида янги имкониятлар излаб топишдан иборатдир. Кластерлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш дастурини молиялаштириш учун 1,5 миллиард евро миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, мазкур маблағларнинг асосий қисми дунё миқёсида иш кўрувчи кластерлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Финляндияда ўрмон саноати кластери ривожланган бўлиб, унинг таркибига ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, қоғоз, мебел, полиграфия маҳсулотлари ва улар билан боғлиқ бўлган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи фирмалар кирази. Ушбу кластерга кирувчи фирмалар ўртасида билимларни тарқатиш борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг яхши йўлга қўйилганлиги уларга асосий рақобатчиларга нисбатан рақобат

устунликларини таъмин этади. Экспертларнинг баҳолашларига кўра, Финляндия бугунги кунда илмий-тадқиқот ва технологик кооперация даражаси бўйича дунёда етакчилардан бири ҳисобланади.

Шу тарика, ёндашувларнинг турлича бўлишига қарамасдан Европа мамлакатлари ўзлари учун у ёки бу кластер стратегияларини ишлаб чиқишган.

Бугунги кунда экспертлар томонидан у ёки бу кластер стратегиясини танлаб олишга асосланган кластерларнинг еттита асосий тавсифловчи жиҳатлари ажратиб кўрсатилади:

– географик: маҳаллий кластерлардан тортиб, глобал кластерларгача бўлган тузилмаларни ифода этувчи ҳудудий белгисига кўра кластерларни ташкил этиш;

– горизонтал: бир нечта тармоқ ёки секторлар бир мунча йирик кластер таркибига кириши мумкин (масалан, Голландия иқтисодиётидаги мега кластерлар тизими);

– вертикал: кластерда ишлаб чиқаришнинг аралаш босқичлари мавжуд бўлиб, кластер доирасида иштирокчилардан қай бири инновацияларнинг ташаббускори ва қай бири инновацияларнинг якуний ижрочиси эканлигини билиш муҳимдир;

– латерал: кўлам самараси ҳисобига тежаш имконини берувчи ва бу эса ўз навбатида янги комбинацияларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи турли секторлар кластерларга бирлашади;

– технологик: бир хил технологиялардан фойдаланувчи тармоқларнинг умумийлиги (масалан, биотехнологик кластерлар);

– фокусли: битта марказ - корхона, ИТИ ёки ўқув муассасаси атрофида бирлашган фирмалар кластери;

– сифат: бу ўринда фирмаларнинг қай даражада ҳамкорлик қилиши эмас, балки ҳамкорликни қай даражада амалга оширишлари муҳим аҳамият касб этади.

Кластерлар ҳар доим ҳам инновацияларнинг ривожланишини рағбатлантиравермайди, баъзи ҳолатларда инновацион жараёнлар жиловланган ҳолда, ҳимояловчи хулқ-атвор устунлик касб этади.

“Кластерли ташаббуслар”- кластерларни ривожлантириш ва шакллантиришда муҳим ўрин тутувчи фаол субъектлар (тадбиркорлар ва мутахассислар)нинг лойиҳа ва дастурлари кластер стратегиялари жараёнларининг ривожланишини фаол тарзда рағбатлантиради. Бундай ташаббусларнинг пайдо бўлиши ўз навбатида бугунги кунда “кластер консалтинги” ва “кластер менежменти” каби тушунчаларнинг амалиётга изчил тарзда кириб келишига олиб келди.

Юқорида баён қилинганлардан шундай хулоса яшаш мумкинки, унга кўра жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг инфратузилмасини ривожлантириш ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришни жорий қилиш, хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқаришни кластер асосида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

II БОБ. РЕАЛ СЕКТОР ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. Реал сектор тармоқларини бошқаришда рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологиялардан фойдаланиш устиворликлари

Илмий ва технологик тараққиётни жадаллаштириш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, янги технологияларни изчил жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш тузилмасининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар асносида иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда (бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг улуши дунё ЯИМининг 10 фоизини ташкил этади). Шу аснода инновацион тараққиётнинг турли вазифа ва муаммоларини ҳал этиш борасидаги қарашлар ва ёндашувлар ҳам ўзгариб бормоқда. Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамли технологияларни жорий этиш глобал иқтисодиёт асосларини ўзгартириш ва қайта кўриб чиқишга олиб келади, чунки замонавий иқтисодиёт маълумотлар базасини бошқаришга асосланган иқтисодиёт ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида – "рақамли иқтисодиёт" концепцияси вужудга келди, мазкур концепциянинг асосини катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасини (онлайн хизматлар, электрон тўловлар ва бошқалар) ривожлантириш имконини берувчи рақамли ва компьютер технологияларини ривожлантириш ва уларни жамият ҳаётининг барча соҳаларига изчил жорий этиш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятини ташкил этишнинг ўзига шакл ва усуллари ташкил этади. Замонавий, интеллектуал иқтисодиёт сари ривожланиш, рақамли иқтисодиётни шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, кўплаб омилларга боғлиқ ва уларнинг эконометрик таҳлили рақамли иқтисодиётни оқилона бошқариш ҳамда тартибга солиш имконини беради.


Мамлакатимиз иқтисодиётига "рақамли технологиялар"ни жорий этиш бугунги кунда ўзининг потенциал имкониятларини кенгайтириш жараёнида бўлгани ҳолда, техник база, дастурий таъминотнинг номукамаллиги, аҳоли

компьютер саводхонлик даражасининг пастлиги, рақамли технологиялар соҳасини тартибга солиш борасида қонунчилик базасининг бугунги кун талабларига жавоб бера олмаслиги каби омиллар компьютер технологияларини кенг жорий этиш ва бизнес муҳитига янги “рақамли технологиялар”ни интеграциялашувига тўсқинлик қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозимки, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати алоҳида аҳамият касб этади. Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Мамлакатимиз раҳбари жорий 2020 йилнинг 24 январида мамлакат Парламентига йўллаган Мурожаатномасида: ”Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда... аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ... Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”-деб таъкидлаб ўтди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ишлаб чиқиши кўзда тутилган “Рақамли Ўзбекистон-2030” концепциясида Ўзбекистонда билимлар жамиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни барпо этиш, илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда рақамли иқтисодиёт сектори томонидан яратилган товар ва хизматлардан уй хўжаликларининг фойдалана олишлари учун етарлича имкониятлар яратиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уй

хўжаликлари аъзоларининг хабардорлик ва рақамли саводхонлик даражасини ошириш, фуқаролар учун сифатли ва арзон давлат хизматларини кўрсатиш, мамлакатнинг барча ҳудудларини сифатли ва тезкор Интернет алоқаси билан таъминланишини йўлга қўйиш, уй хўжаликлари ва давлат миқёсида ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар кўзда тутилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.



1-расм. Рақамли иқтисодиётнинг пировард таъсир кўрсатиш натижалари.

Таъкидлаш лозимки, рақамли технологиялар соҳаси мутахассисларининг фикрича, бугунги кунда жаҳонда Интернетдан фойдаланувчилар сони дунё аҳолисининг 52 фоизини ташкил этади. Қашшоқ уй хўжаликларининг 20 фоизида аъзоларнинг ҳар ўнтасидан еттитасида уяли телефон мавжуд.

Мобил телефонга эга бўлган қашшоқ уй хўжаликларининг сони оддий хожатхона ёки тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имконига эга бўлганлардан анчагина кўпчиликини ташкил этади.

Жаҳон банки экспертларининг фикрича, бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари “рақамли инқилоб”ни бошидан кечирмоқдалар. Улар бу борада бир қатор хулосаларни илгари сурадилар:

1. Интернет, уяли алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг таракқий этиши рақамли иқтисодиётнинг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади;
2. Рақамли иқтисодиёт дунёнинг кўпгина мамлакатларида жадал таракқий этмоқда;
3. Рақамли иқтисодиёт дунё қиёфасининг тубдан ижобий томонга ўзгаришига олиб келади.


Шу туфайли мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди ва соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Бугунги кунда бутун дунё мамлакатларида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам уй хўжаликлари рақамли иқтисодиётнинг авфзалликларидан кенгроқ фойдаланишни истайдилар. Шу сабабли ҳам рақамли инқилоб мамлакатимизда барча уй хўжаликларини бирдек қамраб олиши учун соҳага инвестициялар кириб келишини фаоллаштириш, технологиялар ва инновацион бизнес ғояларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб: “Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор Интернет билан таъминлашимиз керак. Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори

тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади... Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бош-қош бўлиши учун ҳукуматда – Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса – алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади”-деб таъкидлаб ўтди .

Рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологияларнинг изчил жорий этилиши асносида миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсиш сифати яхшиланади, янги иш ўринларини яратиш жараёнлари жадаллашади ва кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда интернет тармоғидан фойдаланувчи уй хўжалиқларининг аъзолари 20 миллион кишидан ошиқроқни ташкил этади (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони (млн. киши).

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълумотлари. <http://mitc.uz/uz/stat/4>

Халқаро таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, тараққий этган мамлакатларда интернетдан фойдаланувчи аҳолининг улуши 2005 йилда 51,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 80,9 фоизгача ошган. Энг юқори ўсиш Африка давлатларида кузатилган, хусусан мазкур

минтақа мамлакатларида интернетдан фойдаланувчилар улуши 2,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб 24,4 фоизгача ўсганлигини кўришимиз мумкин. МДХ давлатлари бўйича интернетдан фойдаланувчилар улуши 2018 йилда 71,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 58,8 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ва уй хўжаликларини интернет тармоғи билан қамраб олиш бўйича ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда мобил алоқа абонентларининг сони йил сайин ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2013 йилда мобил алоқа абонентлари сони 20,3 миллионгани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 22,8 миллионгани ташкил этган .

Уй шароитида интернет тармоғига уланиш имкониятлари йил сайин ўсиб бормоқда. Халқаро таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2005 йилда бутун дунёда уйда интернетга улана олиш имконига эга бўлган уй хўжаликлари 20 фоиздан камроқни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 60 фоиз уй хўжаликларини қамраб олган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бутун дунёда алоқанинг турли шакл ва воситаларидан фойдаланиш имкониятлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, 2021 йилга бориб, интернетдан фойдаланувчи жисмоний шахслар 2018 йилга нисбатан 12 фоизга ошади ва 57,4 фоизни ташкил этади, кенг полосали интернетдан фойдаланувчи уй хўжаликларининг аъзолари 2021 йилга бориб 78,9 фоизни ташкил этади [2]. Юқоридагиларнинг барчаси жаҳонда рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт етакчи кучга айланаётганлигидан далолат беради.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига туртки берувчи технологияларни жадал жорий этиш нуқтаи –назаридан мамлакатларни куйидаги тўртта гуруҳга бўлишимиз мумкин: етакчи мамлакатлар;

истикболли мамлакатлар, ўсиш даражаси пасаяётган ва муаммоли мамлакатлар.

Етакчи мамлакатлар юқори даражада ривожланган рақамли иқтисод ва кучли ривожланиш динамикасига эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Улар ўз мавқеларидан самарали фойдаланиб, инновацияларни рағбатлантирадилар. Бироқ, вақт ўтиши билан юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш катта қийинчилик туғдиради ва кўпинча инновациялар иқтисодий таъсирни кенгайтириш учун ишончли асос бўлиб хизмат қила олмайди. Ўз мавқеларини йўқотмаслик учун бу мамлакатлар янги талабни яратишлари ва инновацион ечимларни ишлаб чиқишни янада авж олдиришлари талаб этилади. Акс ҳолда, уларнинг ўсиш суръатлари секинлашаётган мамлакатлар тоифасига тушиб қолиш хавфи юқорилаб бораверади.

Ўсиш суръатлари пасаяётган мамлакатлар рақамли иқтисодиётнинг тараққий этганлиги билан ажралиб турсада, лекин рақамли иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари секинлашиши билан ажралиб туради. Мазкур мамлакатлар етакчи мамлакатлардан инновацион ривожланишни қўллаб – қувватлаш борасида улар тўплаган бой тажрибани ўзлаштиришлари асносида етакчи мамлакатлар қаторига ўтишлари мумкин, аксинча улар муаммоли мамлакатлар қаторига ўтиб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Истикболли мамлакатлар ҳозирги кунда рақамлаштириш даражаси паст бўлсада, лекин жадал ривожланаётганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Барқарор ривожланиш динамикаси ва рақамли технологияларни жорий этиш борасидаги мавжуд катта салоҳият инвесторларда катта қизиқиш уйғотади. Мазкур мамлакатлар рақамли технологияларнинг тараққиётига чекловчи таъсир кўрсатувчи инфратузилма ва институтционал муҳитнинг ёмон сифати билан ажралиб туради. Истикболли мамлакатлар энг яхши инновацион ечимларни рағбатлантиришга хизмат қилувчи инновацион инфратузилма объектлари ва институтларини барпо қилишга ҳаракат қилишлари лозим.

Муаммоли мамлакатлар рақамлаштиришнинг паст даражаси билан фарқланади. Рақамлаштиришнинг паст даражаси иқтисодий тараққиёт йўлида катор муаммоларни вужудга келтиргани ҳолда, иқтисодиётнинг инновацион ва рақамли технологиялар асосида ривожлантиришга имкон бермайди. Баъзи муаммоли мамлакатлар инфратузилма танқислиги, институционал чекловлар ва истеъмолчиларнинг уқувсизлиги каби муаммоларни ҳал этишда ўзига хос тарзда ёндашишга ҳаракат қиладилар. Улар учун ривожланиш динамикасини яхшилашнинг энг ишончли йўли интернетдан фойдаланишдаги бўшлиқни камайтириш орқали аҳолининг интернетдан фойдаланиш имкониятларини яхшилашдан иборатдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати рақамли иқтисодиётнинг жадал тараққий этишига таъсир кўрсатади. Иқтисодий тараққиёт “оқсоқланиши”нинг олдини олиш мақсадида: рақамли инновациялар соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини қонун йўли билан тартибга солиш; иқтисодиётда янги технология ва ахборот оқимларидан фойдаланишни рағбатлантириш; уй хўжаликлари аъзоларининг рақамли маконда фаолият кўрсата олишларини таъминлаш мақсадида ўқувчи ва талабаларнинг янгича фикрлашларига хизмат қилувчи ўқув дастурларини жорий этиш, рақамли технологиялар соҳаси учун малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш талаб этилади. Рақамли иқтисодиётнинг турли иқтисодиёт субъектлари ва умуман олганда миллий иқтисодиёт учун кўрсатадиган таъсири қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Рақамли иқтисодиётнинг ўсиши: қиймат яратиш ва фойда олиш бўйича мумкин бўлган оқибатлар (иқтисодиётнинг алоҳида таркибий қисмлари ва субъектлари учун)

СУБЪЕКТЛАР					
Рақамли иқтисодиёт ташкил этувчилари	Уй хўжаликлари (жисмоний шахслар)	Тадбиркорлик субъектлари	Трансмиллий корхоналар/ рақамли платформалар	Ҳукумат	Миллий иқтисодиёт учун таъсири
Рақамли сектор	Янги иш ўринларнинг яратилиши ва АКТ инфратузилмасининг тараққий топиши. Телекоммуникациялар ва АКТ, биринчи навбатда АКТ хизматлари соҳасида янги иш ўринларининг яратилиши	Қўшимча самара таъсири натижасида қулай интеграцион алоқаларни амалга ошириш имкониятларининг пайдо бўлиши / маҳаллий корхоналар ўртасида алоқаларнинг кучайиши. Булутли хизматларни кўрсатувчилар томонидан рақобатнинг кучайиши	Капитал, технологик жиҳозланиш ва ходимларнинг малакасига қўйилувчи юқори талабларга жавоб берувчи компанияларнинг инвестицион имкониятларининг ўсиши	Инвестицияларни жалб қилиш. Иқтисодий фаолликнинг ўсиши натижасида солиқ тушумларининг кўпайиши	Иқтисодий ўсишнинг жадаллашуви, унумдорликнинг ўсиши ва қўшилган қийматнинг кўпайиши. Янги иш ўринларини яратиш. Инвестициялар оқимининг ортиши ва технологиялар, ИТТКИларининг кенг ёйилиши.
Рақамли иқтисодиёт	Рақамли хизматлар соҳаси, биринчи навбатда юқори малакали кадрлар учун янги иш ўринлари Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда янгича ишни ташкил қилиш	Рақамли экотизимларда янги имкониятларнинг пайдо бўлиши. Хорижий рақамли компаниялар томонидан рақобатнинг кучайиши	Маълумотларга асосланган бизнес-моделлар туфайли унумдорликнинг ўсиши. Электрон платформаларга асосланган бизнес-моделлар ёрдамида қиймат яратиш занжирларини назорат қилиш. Жамоавий истеъмол қилиш борасида янги имкониятларнинг пайдо бўлиши	Иқтисодий фаолликнинг ўсиши натижасида солиқ тушумларининг кўпайиши ва корхоналарнинг расмий секторга ўтиши. Маҳсулотлардан рақамли фойдаланишга ўтиш асносида божхона тушумларининг камайиши	Меҳнат унумдорлиги ўсишининг тезлашиши ва қўшилган қийматнинг кўпайиши. Иш ўринларининг яратилиши ва йўқотилиши. Инвестициялар. Рақамли компанияларнинг маълум бир нуқталарда тўпланиши. Савдо учун бир хил бўлмаган оқибатлар. Бозор концентрацияси.
Рақамлашган	Турли тармоқларда АКТ	Рақамли платформалар	Катта маълумотлар	Электрон ҳукумат	Қиймат яратиш занжирлари ва секторлари

<p>иктисодиёт</p>	<p>соҳасида янги иш ўринлари. Рақамли инструментлардан фойдаланиш натижасида мутахассисларга бўлган талабларнинг ўзгариши натижасида янги билим ва кўникмаларга эҳтиёжнинг пайдо бўлиши. Кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигининг ошиши. Рақамлаштириш натижасида иш ўринларининг қисқариши ва ишлар тавсифининг ўзгариши. Мехнат шароитларининг эҳтимолли ёмонлашиши. Алоқа каналларининг яхшиланиши. Фойдаланувчи ва истеъмолчилар учун маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилишда кенг имкониятларнинг вужудга келиши. Истеъмол нархларининг пасайиши</p>	<p>орқали бозорларга чиқиш имконияти. Операцион харажатларнинг қисқариши. Бозорда ўз улушига эга бўлиш ва яшаб қолиш учун курашнинг кучайиши. Автоматлаштириш натижасида имкониятларнинг йўқотилиши. Хизматлар кўрсатишда янги функцияларнинг пайдо бўлиши. Рақамли технологиялардан фойдаланувчи корхоналарда янги тижорат имкониятларининг вужудга келиши</p>	<p>базасига асосланган платформали компанияларнинг пайдо бўлиши. Унумдорлик ва сифат самарадорлигининг ўсиши. Маълумотларни монетизациялаш имкониятлари. Рақамли платформалар авфзалликларининг кучайиши. Бозор таъсирини ошириш ва "маълумотлар қиймат занжири" устидан назоратни кучайтириш. Иқтисодиётнинг турли секторларини рақамлаштириш аҳамиятининг ўсиши</p>	<p>тизими самарадорлигининг ошиши. Божхона операцияларининг автоматлаштирилиши натижасида тушумларнинг ортиши. Иқтисодий фаолликнинг ўсиши натижасида солиқ тушумларининг кўпайиши, солиқларни оптималлаштириш натижасида солиқ тушумларининг камайиши. Катта маълумотлар базасидан фойдаланиш эвазига барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имкониятлари</p>	<p>самарадорлигининг ўсиши ҳисобига иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви. Мехнат унумдорлигининг ўсиши. Инновациялар таъсирининг кучайиши. Рақамли инқилоб ҳисобидан маҳаллий компанияларнинг бозордан сиқиб чиқарилиши. Паст ва ўрта малакали меҳнатнинг мумкин бўлган автоматизацияси. Табақаланишнинг кучайиши. Тракбий ўзгаришларга таъсирнинг кучайиши. Савдо алоқаларига турлича таъсир кўрсатиш. Влияние на структурные изменения.</p>
-------------------	--	---	---	---	--

Изоҳ: соҳага оид маълумотларни таҳлил қилиш асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Рақамли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт воситаларини иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига кенг жорий этишда тижорат банкларининг ўрни ва аҳамияти жуда ҳам катта. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда банklar фаолиятида ҳам рақамли трансформациялашни амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Банklar фаолиятида рақамлаштиришдан фойдаланиш – бу энг аввало янги банк хизматларини кўрсатиш, янги бозор имкониятларига эга бўлиш мақсадида рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни кўзда тутди. Бугунги кунда бутун жаҳонда банк амалиётида амалда мавжуд бизнес-моделлар ўрнига рақамли валюталар, P2P-сервислар, мобил ва контактсиз тўловлар тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ҳам банк тизимини рақамли трансформациялаш ва бу борада жаҳон амалиётида кенг қўлланилувчи рақамли технологиялардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади [5,6].

Иқтисодиётни рақамлаштириш биринчи навбатда иқтисодиётнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлилигини оширишни кўзда тутди. Экспертларнинг ҳисоблашларича рақамлаштириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш харажатлари 10-40 фоизгача пасаяди, асбоб-ускуналарнинг бўш туриб қолиши 30-50 фоизгача, маҳсулот ва хизматларни бозорга олиб чиқиш харажатлари 20-50 фоизгача, маҳсулот сифатини яхшилаш ва реклама харажатлари 10-20 фоизгача, ишлаб чиқариш захираларини сақлаш харажатлари эса 20-50 фоизгача қисқаради.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса ясашимиз мумкин бўлади.

Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг ҳозирги даражаси кам меҳнат, молиявий ва моддий ресурсларни сарфлаган ҳолда юқори иқтисодий самарага эришиш имкониятини беради. Хўжалик юритувчи иқтисодий субъектларининг зарурий ахборотларга эгаллик қилиши рақобат устунлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу уларга ўз фаолиятларини

башоратлаш аниқлигини таъминлашга ва пировардида молиявий савод-хонлигини яхшилашга замин яратади.

Рақамли иқтисодиёт молиявий активлар, тўловлар тизими, меҳнат, товар ва хизматлар бозорини янгича ташкил этиш, уларни инновацион асосларда ривожлантириш борасида катта имкониятлар тақдим этади.

Ташкилот ва корхоналарда ҳужжатлар айланишини ва бу билан боғлиқ харажатларни қисқартиради.

Миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъмин этади, маҳсулот ва хизматлар сифати яхшиланишига ва бир сўз билан айтганда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланишига замин яратади.

2.2. Реал сектор корхоналарини бошқаришда корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва моделлари

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришга оид ислохотлар, асосан, миллий корпоратив бошқарув тизимида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, уларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш каби чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилмоқда, корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, унга бозор иқтисодиётига хос бўлган ҳақиқий тусни бериш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2014 йилда янги таҳрирдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни [1] қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [2] билан “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар Дастури” тасдиқланди ҳамда унда белгиланган вазифалар ва

чоратадбирлар амалга оширилди, Корпоратив бошқарув кодекси [3] қабул қилиниб, унинг тавсиялари акциядорлик жамиятларининг фаолиятида жорий қилинди. Мамлакатимиз тараққиётининг асосий дастури ҳисобланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш иқтисодий ва кейинги йилларда ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони билан қабул қилинган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси”да ҳам корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини жорий этиш бўйича чоратадбирлар белгиланиб, улар ҳозирда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур ҳуқуқат қарорлари асосида белгиланган вазифаларни самарали ҳал этиш йўллари аниқлаш бу борада муҳим изланишларни олиб боришни тақозо этади. Тадқиқотнинг асосий мақсади – мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини ўрганиш, корпоратив бошқарув соҳасидаги муаммолар ва ҳал этилмаган масалаларни аниқлаш, ва шу асосда, миллий корпоратив бошқарув тизимини замонавий халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш истиқболларини белгилаш ҳисобланади. Тадқиқотда корпоратив бошқарув тизими, унинг ички ва ташқи элементларини ўрганиш учун анализ ва синтез, тизимли ёндашув усуллари, миллий корпоратив бошқарув тизимидаги муаммоларни аниқлаш учун илмий мушоҳада усулидан, ҳамда миллий корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш истиқболларини белгилаш учун абстракт-мантиқий усулдан фойдаланилди. Халқаро стандарт сифатида асосан G20/ИХТТ нинг корпоратив бошқарув тамойиллари танлаб олинди.

Шу билан бирга, миллий корпоратив бошқарув тизимини шаклланиши ва ривожланишининг муайян ижобий жараёнларига қарамасдан, корпоратив

бошқарув соҳасида айрим муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар тўпланиб қолмоқдаки, уларни ҳал этмасдан туриб, корпоратив бошқарув тизимини кейинги даврда ривожлантириш, қолаверса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат рақобатбардошлигига эришиш жараёни қийинлашиши мумкин. Бундай муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхоналарни бошқаришда эскирган маъмурий-режали ёндашувлар сақланиб қолиниши оқибатида акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув шартларини бажаришга ҳалиям расмийлик билан қаралмоқда;

- акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашларининг фаолияти (айниқса, давлат иштироки бўлган акциядорлик жамиятларида), уларнинг корхонани стратегик ривожлантиришдаги роли деярли сезилмайди, аксарият кузатув кенгашлари аъзолари етарли билим ва малакага эга эмас;

- устав капитали ва ҳажмига нисбатан ортиқча ва самарасиз талабларнинг мавжудлиги (мас. устав капитали энг кам миқдори 400 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлмаслиги, хорижий инвесторлар улуши камида 15% ни ташкил этиши кераклиги) акциядорлик жамиятлари ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, уларнинг мулкчилик шаклини ўзгартиришга сабаб бўлмоқда;

- акциядорлик жамиятларида миноритар акциядорларнинг қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлашнинг таъсирчан механизми йўқлиги туфайли у акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини тўла рўёбга чиқара олмаяпти;

- республика фонд бозори ва корпоратив бошқарув ўртасидаги узвий боғлиқлик йўқ, фонд биржасининг самарали корпоратив бошқарувни ривожлантириш, корпоратив бошқарув стандартларини тарғиб қилишдаги роли сезиларсиз; - акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлиги пастлиги туфайли уларнинг акция пакетларини, шу жумладан

давлат улушларини сотишда хорижий инвесторларни жалб қилишнинг қийинлиги;

- акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияси салоҳиятидан фойдаланиш даражаси жуда паст;

- Корпоратив бошқарув кодекси жуда жўн ишлаб чиқилган, унинг айрим тавсияларига риоя этишнинг механизмлари ва методик жиҳатлари таъминланмаган (масалан, кузатув кенгашининг қўмиталари қандай ташкил этилади, қанақа номдаги қўмиталар ташкил этилади, уларнинг вазифалари нималардан иборат бўлади, кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар қандай танланади ва сайланади, “comply or explain” (“риоя қил ёки тушунтир”) халқаро тамойилига риоя қилиш тавсияси қандай амалга оширилади ва ҳ.к.).

Бундан ташқари, 2015 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан янги таҳрирда тасдиқланган “G20/ИХТТ нинг корпоратив бошқарув тамойиллари” да келтирилган адолатлилик, жавобгарлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик каби корпоратив бошқарувнинг халқаро эътироф этилган тамойиллари Ўзбекистон корпоратив қонунчилигида тўла-тўқис ҳали ўз аксини топгани йўқ. Шунинг учун корпоратив бошқарув миллий тизимини инновацион ривожлантириш истиқболларини белгилаб берувчи қуйидаги асосий йўналишлар таклиф этилади: - Ўзбекистонда узоқ муддатга мўлжалланган “Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш концепцияси” ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, унда корпоратив бошқарув соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари ва тамойиллари, шунингдек мазкур сиёсатни амалга ошириш механизмларини белгилаш;

- республикада корпоратив бошқарув ривожланишини тарғиб қилувчи ва кўмаклашувчи жамоат ташкилотларининг камлигини инобатга олиб, келгусида турли нодавлат нотижорат шаклдаги жамоат ташкилотларининг (мас. Ўзбекистон корпоратив бошқарув форуми, Кузатув кенгашининг

мустақил аъзолари уюшмаси, Корпоратив директорлар уюшмаси, Корпоратив маслаҳатчилар жамияти, Институционал ва стратегик инвесторлар гильдияси, Ички аудиторлар уюшмаси ва ҳ.к.) яратилишига шароитлар яратиш;

- фонд бозори акциядорлик жамиятларида корпоратив муносабатлар самарали юргизилиши устидан назорат қилишнинг асосий механизмларидан бири эканлигини инобатга олиб, корпоратив бошқарув ва республика фонд бозори ўртасидаги узвий алоқани фонд биржасининг листинг механизми орқали таъминлаш, бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш:

- “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасида келтирилган акцияларни биржа листингига қўйиш тартиб-таомиллари рўйхатига эмитентнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш борасидаги тартибни ҳам киритиш;

- “Тошкент” РФБ нинг листинг қоидаларига эмитентнинг Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш тўғрисидаги мажбуриятни қабул қилиш талабини назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш.

- республикада корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойил ва стандартларини самарали жорий этиш мақсадида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:

- АЖ ларни акциялари эркин сотиладиган ва сотилмайдиганларга ажратиш учун қонунчиликда “оммавий акциядорлик жамияти” деган тушунчани киритиш ҳамда бундай оммавий АЖ ларнинг асосий хусусиятларини (мас. АЖ да чекланмаган миқдорда акциядорларнинг борлиги, акцияларнинг бозорда эркин айланиши ва ҳ.к.) белгилаб қўйиш;

- Қонуннинг 10-моддасида кўзда тутилган АЖ устав капиталида чет эллик инвесторнинг улуши 15% дан кам бўлмаслиги тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

- Қонуннинг 17-моддасида АЖ устав капиталининг энг кам миқдорига қўйилган талабни 400 минг АҚШ долларидан 400 млн. сўмгача камайтириш;

•АЖ ижроия органи томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқини таъминлаш учун Қонуннинг 65-моддасида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ижроия органи раҳбаринининг ёзма талаби асосида ҳам ўтказилишини инобатга олиш;

Қонуннинг 82-моддасида АЖ кузатув кенгаши таркибига камида битта миноритар акциядорлар кўмитаси вакилини (ёки унинг раисини) мажбурий тартибда киритиш тўғрисидаги нормани белгилаш;

•акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда) овоз бериш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун Қонуннинг 70-моддасида “электрон овоз бериш бюллетени” тушунчасини киритиш ва ундан фойдаланиш имкониятини жорий этиш; - АЖ, айниқса давлат иштирокидаги АЖ лар кузатув кенгашлари фаолияти самарадорлигини ҳамда уларнинг корхонани стратегик ривожлантиришдаги ролини ошириш мақсадида кузатув кенгаши мажлисларини расмиятчилик тусида эмас, балки ҳаққоний ўтказилишини таъминлаш, кузатув кенгаши аъзоларини 3 йилгача муддатда сайлаш амалиётини қонунчиликда жорий этиш, бошқа ташкилот ходими бўлган АЖ кузатув кенгаши аъзоси кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этиши билан боғлиқ вазифаларни бажараётган вақтида шу ташкилотда унинг иш жойи, ўртача иш ҳақининг сақланиши бўйича кафолатларни беришни меҳнат қонунчилигида инобатга олиш; - АЖ директорининг мунтазам фаолиятини таъминлаш ҳамда унинг ижобий натижаларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида, директорни сайлаш борасида қонунчилик доирасида шундай тартиб ўрнатиш лозимки, унда жамият директори фаолиятининг биринчи йилида бир йилга, ўзини раҳбар сифатида оқлаган ва молия-хўжалик натижалари ижобий бўлган тақдирда кейинги муддатда 3 йилга ва ундан кейинги муддатларда эса 5 йилга сайлаш амалиётини йўлга қўйиш;

- АЖ ларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун, авваламбор, уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш чораларини кўриш, бунинг учун:

- ҳукумат даражасида корхоналар инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг методологиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- тармоқлар ва корхоналар кесимида АЖ ларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш натижалари тўғрисида ахборот бюллетенларини статистика органлари томонидан чоп этилишини таъминлаш;

- республика иқтисодиёти базавий тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш ва саноат тармоқлари етакчи корхоналарини қўллаб-қувватлашда ягона сиёсатни олиб борадиган интеграциялашган корпоратив тузилмалар (холдинглар, хўжалик бирлашмалари ва ҳ.к.) фаолиятини янада такомиллаштириш ва ролини кучайтириш бўйича уларда корпоратив муносабатлар ва бошқарувнинг янги жиҳатларини ўрнатадиган меъёрий ҳуқуқий базани ривожлантириш;

- АЖ ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг ижтимоий йўналганлигини оширишга кўмаклашадиган ҳамда мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва экологик барқарорлигини таъминлайдиган корпоратив ижтимоий масъулият тизимининг ҳуқуқий асосларини яратиш;

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этишнинг аниқ механизмлари ва методик жиҳатларини таъминлаш мақсадида амалий қўлланмалар, методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. Шунингдек, миллий корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартлар (яъни G20/ИХТТ нинг корпоратив бошқарув тамойиллари) га яқинлаштириш ва такомиллаштириш учун, қуйидаги тадбирларни ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- акциядорларнинг мавжуд қонуний ҳуқуқларига қўшимча равишда қуйидаги ҳуқуқни, яъни АЖ раҳбарияти ва кузатув кенгаши аъзоларига нисбатан ҳуқуқий ва маъмурий ишларни қўзғатиш ҳуқуқини қонуний асосда жорий этиш, шунингдек, миноритар акциядорларнинг шикоятларини оқилона нархларда ва ортиқча кечикишларсиз қўриб чиқишнинг самарали ижро этувчи механизмини яратиш;

- ҳуқуқий тизимга шундай қоида жорий этиш лозимки, бунда АЖ раҳбарияти ва кузатув кенгаши аъзолари уларга нисбатан қўзғатилган суд жараёнлари суиистеъмол қилинишидан акциядорлар шикоятларида етарли далилларни текшириш орқали ҳимояланади, бунда АЖ раҳбарияти ва кузатув кенгаши аъзоларининг ҳаракатлари учун, шунингдек ахборотни ошкор этиш учун “хавфсиз ҳудудлар” (safe harbors)б жорий этилади;

- акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этишига сунъий тўсиқларни олиб ташлаш учун сиртдан электрон тарзда овоз бериш, шу жумладан умумий йиғилиш материалларини электрон тарзда тарқатиш ва овозларни ишончли тасдиқлаш тизимларидан фойдаланишни жорий этиш;

- кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни бериш ва танлаш жараёнини такомиллаштириш, бунда кузатув кенгашига номзодларнинг тажрибаси ва малакаси тўғрисидаги ахборотни тўлиқ ва ўз вақтида ошкор қилиш лозимдир, натижада акциядорлар ҳар бир номзоднинг қобилияти ва мақбуллиги тўғрисида хабардор бўлади;

- институционал инвесторлар (инвестиция фондлари, суғурта компаниялари ва тижорат банклари) нинг корпоратив бошқарувдаги фаоллигини кучайтириш, бунда “Корпоратив ишончли бошқарув кодекси” (Stewardship Code) деб номланган ҳужжатни қабул қилиш, институционал инвесторлар ва АЖ лар ўртасидаги доимий мулоқотни рағбатлантириш, ишончнома орқали овоз бериш (proxy voting) тизимини ривожлантириш; - кузатув кенгашига ходимлар, ишчи кенгашлар, касаба уюшмасининг вакиллиги механизмини, шунингдек халқаро амалиётда қўлланиладиган “Ходимларнинг акцияларга эгалик қилиш режалари” (ESOP - Employee Stock

Ownership Plan7) ни амалга ошириш орқали АЖ меҳнат жамоасини корпоратив бошқарувда иштирок этиш механизмини ривожлантириш;

- шундай механизмни яратиш лозимки, унга мувофиқ АЖ иқтисодий ночор аҳволга келганда банкротлик қонунчилиги асосида кузатув кенгаши аъзоларига корпоратив бошқарувда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлган кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти юкланади;

- шундай амалиётни йўлга қўйиш лозимки, унга мувофиқ АЖ ўзининг корпоратив бошқарув амалиёти бўйича ҳисоботни мунтазам равишда чоп этади, ва унда қонун бўйича ошкор этилиши лозим бўлган ахборотдан ташқари, кузатув кенгаши аъзолари ва раҳбариятга бериладиган мукофотлар, кузатув кенгаши аъзоларининг малакаси ва улар билан аффилиланган бошқа АЖ лар, прогноз қилинадиган риск омиллари, ишловчилар ва манфаатдор шахслар борасидаги масалалар тўғрисидаги ахборотни ошкор этади;

- кузатув кенгаши аъзолари ўз вазифаларини аниқ ва талабчанлик билан олиб боришлари, уларнинг юқори хулқ-атвор стандартларига риоя қилиб фаолият кўрсатишлари, раҳбариятни назорат қилишда ва манфаатдор томонларнинг манфаатларини инобатга олишда юқори хулқ ва профессионал стандартларни қўллашлари учун АЖ ларда Корпоратив хулқ ва одоб-ахлоқ кодексларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- қонунчиликда ёки Корпоратив бошқарув кодексида кузатув кенгашининг ваколатларига қўшимча тарзда қўйидаги вазифаларни ҳам киритиш: АЖ нинг рискларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш; АЖ директори ва унинг ўринбосарлари, кузатув кенгаши аъзоси лавозимларига ворисликни режалаштириш; АЖ ижроия органи ва кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш сиёсатини ишлаб чиқиш ва ошкор қилиш; ахборотни ошкор этиш ва уни тақдим этиш жараёнини назорат қилиш. Юқорида берилган корпоратив бошқарув миллий тизимини халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш истиқболларини белгилаб берувчи таклиф ва тавсияларни амалда қўллаш Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий, тартибга солувчи ва институционал

асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади, бу эса акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлиги ва шаффофлигини оширади, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг корпоратив бошқарувдаги ролини кучайтиради, ва пировардида, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишига олиб келади.

2.3. Реал сектор корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш истиқболлари

Миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини ошириш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан биридир. Миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш муаммоларининг илмий ечимларига қаратилган тадқиқотлар олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»даги «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича вазифаларнинг белгилаб берилганлиги билан муҳимдир.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида маркетингнинг замонавий концепцияларидан самарали фойдаланиш давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришни тақозо этади ва шу боис Ҳаракатлар стратегиясида бу борада янги, замонавий ва самарали механизмни яратиш масаласи устувор йўналишлар бири сифатида белгиланган.

Миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш муаммоларнинг асосий ечими ва бу борада маркетинг изланишларини олиб бориш, ташқи

бозорларга чиқиш ва унда муносиб нуфузга эришиш эса, ўз навбатида, Ўзбекистон бозорига хос маркетинг илми ва унинг асосларини яратиш билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш, умуман тармоқ ва соҳаларда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар ва чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тизимлаштирилган ва самарали маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, ички бозорни ҳимоя қилиш ва ташқи бозорларга фаол кириб боришга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардошликни оширишдаги мавжуд муаммолар ва ишлатилмаётган имконият ва захираларни чуқур таҳлил қилиш асосида маркетингнинг тамойил ва усуллари жорий этилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодий модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш шароитида миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, мамлакат экспортини таркибий жиҳатдан такомиллашувини таъминлаш натижасида иқтисодийнинг тармоқ ва соҳалари ўртасида интеграцион ўсиш натижалари қайд этилди, натижада ички бозорда самарали рақобат муҳитини ривожлантириш ва зарур истеъмол товарлари билан тўлдириш имконияти пайдо бўлиб, иқтисодий ўсиш таъминланди.

Ҳаракатлар стратегиясида, экспортга мўлжалланган юқори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иқтисодийнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш алоҳида кўрсатилган. Мазкур ишларни амалга ошириш янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва модернизация қилиш, рақобатдош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқиш учун замонавий технологияларни жорий этишга хизмат қилади.

2018–2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорини қабул қилиш натижасида қуйидагилар асосий вазифалар ҳисобланади:

юқори қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш;
Ўзбекистон учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасидаги мақсадли
бозорларни аниқлаш;

ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги
экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш;

ташқи бозорларни маркетингга хос ўрганиш усулини
ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

белгиланган бозорларни асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро
ҳамкорлик ўрнатиш орқали миллий маҳсулотлар билан таъминлаш;

халқаро сифат стандартларини (ISO 9001) кенг жорий этиш, ишлаб
чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва
сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш ва
ҳоказолар.

Бундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда республикамиз корхоналарида
ишлаб чиқарилаётган миллий товарлар рақобатбардошлигини таъминлаш
орқали экспорт салоҳиятини ошириш иқтисодиётнинг реал секторида
замонавий маркетинг концепцияларидан самарали фойдаланиш устувор
йўналишларидан бири ҳисобланади. Жаҳон бозорларида рақобатнинг кескин
тус олиши кўрсатмоқдаки, эндиликда корхоналар ўз мақсад ва вазифаларини
белгилашда нафақат маҳсулотга оддий талаб ва таклифдан келиб чиқиши
керак, балки, биринчидан, салоҳиятли истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари,
хоҳиш-истаклари ҳамда мақсадларини доимо диққат марказида тутиб, уларни
чуқур ўрганишлари ва ушбу шароитга мос келувчи инновацион маркетинг
стратегияларини амалга ошириши муҳим бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, республикамиз экспорт салоҳиятини кучайтириш
мақсадида ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш,
экспорт қилинувчи маҳсулотлар тури ва географиясини кенгайтириш,
экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этишга алоҳида эътибор
қаратилмоқда. Бунда албатта, замонавий маркетинг концепцияларидан
фойдаланиш талаб этилади, яъни асосий эътиборни маҳсулот сифатини

яхшилаш ва истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг концепцияларидан самарали фойдаланишга қаратиш лозим. Замонавий маркетинг концепцияларини жорий этиш орқали корхоналарнинг маҳсулотига истеъмолчилар талабини шакллантириш, сотиш ҳажмини кўпайтириш, миллий товарларнинг брендини янада кучайтириш, ташқи бозорларларда миқдорларга нисбатан алоҳида ёндашувни амалга ошириш, корхонанинг бозордаги маъқеини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Учинчидан, миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича асосий йўналиш сифатида инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги вақтларда республикада инновацион маркетинг концепцияларидан фойдаланиш бўйича ёндашувлар асосан стартап лойиҳалари доирасида қўлланилмоқда. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар амалиётида инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш борасида етарли тажрибалар мавжуд эмас. Шунга асосан, маркетингнинг инновацион технологияларини жорий этишга қаратилган тизимли тадқиқотлар амалга оширилиши зарурдир.

Тўртинчидан, республикада миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш борасидаги асосий муаммолардан бири интеллектуал билим, малакавий кўникмали ва креатив фикрловчи мутахассисларнинг танқислиги билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашдан иборат.

2.4. Реал секторда бошқарув самарадорлигини оширишда замонавий бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари

Самарали қарорлар ишлаб чиқиш – бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашга, рационал ташкилий тизимнинг шаклланиши, кадрлар сиёсатини тўғри амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солиш, ижобий имиджни яратишнинг асосий

йўлланмаси ҳисобланади. Қарор қабул қилишдаги муаммо фундаментал тавсифга эга бўлиб, инсоний фаолият доирасида қарор муҳим ўрин тутди. Ҳар бир муаммони ҳал қилишнинг муайян турлари мавжуд. Муаммоларнинг турли-туманлиги қарорларнинг турли-туманлигига ҳамоҳанг бўлади. Мутахассислар бошқарув қарорларини қуйидаги турларга: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, давлат-ҳуқуқий, стратегик ва тактик, глобал ва ўзига хос, концептуал ва дастурли, илмий асосланган ва эмпирик, интуитив, эскиликка хос, қотиб қолган ва ижодий қарорларга ажратишади. Бошқарув қарорлари тайёрлаш жараёнини турли босқичларга (муаммони излаш, ўрганиш, қарор йўлларини белгилаш, муқобил қарорлардан энг зарурини танлаш, қарорни баён қилиш ва бошқалар) ажратиш мумкин, лекин энг асосийси ички ва ташқи шароит ҳақида маълумот йиғиш, уни таҳлил қилиш ва ишлов бериш жараёни ҳисобланади. Қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда замонавий илмий-техник воситалар, ҳаракатлар тадқиқоти усуллари, тизимли таҳлил, моделлаштириш, ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан фойдаланилади. Қарорлар қабул қилишнинг асосий босқичлари қуйидаги 5–расмда ўз аксини топган. Ушбу жараёнда олдиндан катта тайёргарлик кўрилганига қарамасдан инсоннинг ижодий салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки бошқарув субъектининг ҳар қандай қарори инсонга, ижтимоий ташкилотга йўналтирилган бўлиб, уларнинг манфаатларига таъсир қилади, маълум мақсад йўлидаги фаолиятга ундайди. Жамоавий қарорлар қабул қилиш учун бошқарув субъектининг биргаликдаги жамоавий идроки алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнининг ижодий характери, яъни инсон шахси, унинг бошқарув идроки, тажрибаси, интилиши, шахсий ва профессионал сифатларининг биринчи даражали ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Бошқарув қарорлари қисмлари таҳлил қилиниб, бошқарувчининг бошқараётган тизимида доимий таъсирий усуллари (объект бошқарувида субъект) олдинга чиқади, қўйилган мақсадга олиб боради. Бу икки тизим

ўртасидаги доимий боғловчисиз алмашинув корхона тизими каби шакллана олмайди.



3-расм. Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг асосий босқичлари⁹.

Математик усуллар ва формал мантиқ асосидаги қарор қабул қилишнинг умумий назарияси, асосан, иқтисодиётда қўлланилади. Иқтисодий адабиётларда “қарор” тушунчаси, бир маъноли эмас, у жараён, танлов акти ва танлов натижаси сифатида кўриб чиқилади. Қарор жараён сифатида вақтинчалик оралиқни ўз ичига олади, яъни у айна бир пайтда ишлаб чиқилади, қабул қилинади ва амалга оширилади. Қарор танлов акти сифатида асосий қоидага амал қилиши билан қарор қабул қилиш босқичларини ўз ичига олади. Танлов натижаси сифатида қарор ҳаракат қилишнинг муқобил вариантларидан бирини танлашни англатади. Кўп мутахассисларнинг фикрича, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва ижро этишни режалаштириш жараёнига бўлажак ижрочиларни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ, чунки улар олдиндан қарорнинг концепцияси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар билан танишадилар. Қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этувчи бўлғуси ижрочилар, ушбу қарорларга реаллик элементларини киритадилар, чунки қарорнинг предмети, унинг резервлари

⁹ Ричард Дафт. Менеджмент, 10-е издание. Санкт-Петербург, изд-во: Питер. 2015.-277 стр.

хамда қийинчиликларидан яхши хабардор бўладилар. Қарорнинг йўналтирувчи функцияси корхонанинг узок муддатли ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади, кўп топшириқларда аниқлаштиради¹⁰. Қарорнинг мувофиқлаштирувчи вазифаси муддатнинг тасдиқланиши ва унга мос қарорни амалга ошириш учун ижровий ҳаракатга келиш заруриятини ифода этади. Қарорнинг рағбарлантирувчи функцияси ташкилий чоралар тизими (буйруқ, қарор, мажбурият), иқтисодий омил, (тақдирлаш, кўшимча рағбатлантириш), ижтимоий қиймат (иш фаоллигининг руҳий-сиёсий омиллари: шахснинг ўзини тасдиқлаши, ижодий амалга ошириш) орқали амалга оширилади. Ҳар бир бошқарув қарорининг самарадорлиги уни тайёрлаш жараёнида мақсаднинг тўғри қўйилишига боғлиқ. Бошқарув қарорлари доимо жараён кўринишида намоён бўлади. Бу жараён раҳбарлик фаолияти бошланиши билан бошланади, амалий чоралар кўрилиши оқибатида яқуний қарор чиқарилиши билан яқунланади. Бошқарув қарорлари - сиёсий воқеа иштирокчиларининг манфаатларини рўёбга чиқариш усули ҳамдир. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти фақат ҳоқимият эгалари ва уларга итоат этувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатдан иборат эмас. Сиёсат муайян мақсадларни кўзловчи сиёсий воқеа-ҳодиса иштирокчилари манфаатларининг ўзаро таъсиридан иборат. Мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш қатор сиёсий чоралар кўришни, хусусан, бошқарув қарорлари қабул қилишни тақозо этади. Бошқарув қарорлари, шунингдек, низоли вазиятларни ҳал қилиш воситаси ҳамдир. Ижтимоий ва меҳнат муносабатларида низо ва ихтилофлар муқаррар равишда юз беради. Одатда, низолар биргина қарор билан ҳал қилинмай, бир қатор бошқарув қарорлари қабул қилинишини шарт қилиб кўяди. Боз устига, бу қарорларнинг ҳар бири сиёсий донишмандлик, зийраклик, эҳтиёткорлик, келишув асосига қурилган бўлиши керак¹¹. Зеро, бунда бир-бирига қарама-қарши манфаатларни мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш талаб этилади. Бошқарув қарорлари - сиёсат субъекти

¹⁰ Э.А.Смирнов. Разработка управленческих решений. –М.: Юнити., 2002, -С. 105

¹¹ Принятие управленческих решений. Учебник // В. С. Юкаева, Е. В. Зубарева, В. В. Чувикина. — М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2012. — С.12 37

томонидан хатти-ҳаракатларнинг кўп сонли муқобилларидан бирини онгли танлашдир. Бошқарув қарорларининг мазкур жиҳати сиёсат субъектининг эркинлик даражаси ва масъулияти кўлами билан бевосита боғлиқ. Хусусан, агар сиёсий субъектлар пирамидасида қарор қабул қилувчи субъектнинг мақоми қанчалик юқори бўлса, муқобил вариантлардан бирини танлашдаги эркинлик даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Шу билан бирга, субъектнинг ўзи танлаган варианты учун масъулияти даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Бошқарув қарорлари уни қабул қилувчининг иродавий ҳаракати. Белгиланган натижага эришиш учун сиёсий жараённинг бошқа иштирокчилари томонидан қаршиликка учраш эҳтимолини ҳисобга олиш, демакки, қарорни амалга ошириш учун анча куч сарфлаш кераклигини назарда тутиш зарур. Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг хилма-хиллиги туфайли фанда қарорлар қабул қилишнинг универсал ва ягона алгоритмини ишлаб чиқиш масаласи кўтарилмаган. Бошқарув қарорлари қабул қилишга бундай ёндашув ушбу ҳодисанинг турлича талқин қилиниши билан боғлиқ. Берилган таърифларга кўра, бошқарув қарорларини қабул қилиш:

- 1) махсус ақлий ва ташкилий «маҳсулот» олишга қаратилган ҳаракатларнинг муайян технологик занжири;
- 2) конкрет субъектларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш усули;
- 3) мақсадга эришиш стратегиясиб ва тактикасини тузатишни назарда тутадиган ихтилофларни бартараф этиш усулидир ва ҳ.к.

Бугунги кунда бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнини тавсифловчи ёндашувларни меъёрий ва феъллатвор билан боғлиқ ёндашувларга ажратиш мумкин. Меъёрий ёндашув намояндаларининг фикрича, қарорлар қабул қилиш жараёни оқилона мақсадлар кўйиш ва уларга эришишнинг энг мақбул воситаларини илгари суришга хизмат қилади. (Р.Абелсон, А.Леви). «Онгли танлов» назарияси билан узвий боғлиқ бўлган бундай қарашлар инсонни ўзи учун маъқул, фойдали ва самарали қарорлар қабул қилишга қодир онгли мавжудот сифатида тушунишдан келиб чиқади. Шундай қилиб, қарорлар қабул қилиш жараёни мавжуд муаммони ўрганиш,

уни баҳолаш, унинг юзасидан бирор қарорга келиш ҳамда кутилаётган ижобий натижага эришиш билан боғлиқ ҳаракатларни бир-бири билан узвий боғлайди. Феъл-атвор билан боғлиқ ёндашув намояндалари (Г.Саймон) инсон олдида турган мақсадларни ниҳоятда мураккаб, уларни муайян услублар ёрдамида тавсифлаб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Боз устига муаммолар ечимини берадиган усулларнинг муқобиллари шу қадар кўпки, инсон уларнинг барчаси билан танишиш, уларни англашга ожизлик қилади. Шу боис, Л. А. Бирманнинг таъкидлашича, қарорлар қабул қилиш - вазиятга боғлиқ жараён бўлиб, муайян муаммонинг ўзгаришига қараб уни ҳал қилиш воситалари ҳам ўзгаради ¹². Бироқ амалиётда, ҳар иккала моделнинг афзалликларини ўзида ифодаловчи комплекс ёндашувдан кенг фойдаланилади. У ўз ичига иккала моделнинг афзалликларини жамлаган, вазиятни сифатли изоҳлаш услубияти, аммо сонли таҳлил воситаларидан фойдаланишни тақозо этади. Бундай вазиятда меъёрий ва ҳуқуқий ёндашувларнинг элементларини биргаликда ишлатиш ҳар бир ҳолатда ўзига хос хусусиятга эга. Бу эса такроран қарор қабул қилиш жараёнида, универсаллашув ва алгоритмлаш имкониятларини чеклаб қўяди. Шундай қилиб, қарор қабул қилишда қўлланиладиган технологиялар ва механизмлар аниқ белгиланган жараёнларга, уларнинг айрим хусусиятларига тўла тўқис боғлиқ. Бу, ўз навбатида, таъсир соҳаси, унинг ичида фаолият юритаётган субъектларнинг турлари ва бошқа тузилма омилларига боғлиқ. Шу тариқа, қарор қабул қилишнинг корпоратив секторида (айрим ташкилотлар миқёсида), оммабоп алоқаларда (жамият секторида) ва давлат ҳоқимияти секторида процессуал хусусиятларни фарқлаш жоиз. Раҳбар фаолиятини сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг ички боғланган занжири деб талқин қиладиган бўлсак, унда бошқарув қарорлари барча воқеа-ҳодисаларни «ишга туширувчи механизм» сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай бошқарув қарори аниқ бир сиёсий муаммони ҳал қилиш мақсадида қабул қилинади. Бошқача айтганда, бошқарув қарорлари ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги объективлик ва

¹² Бирман Л. А. Управленческие решения. Учеб. пособие. — М.: Дело, 2008. 39

субъективликнинг мураккаб уйғунлигидир. Бунда қарор қабул қилувчи томонни йўлдан оздириши мумкин бўлган омил мавжуд бўлади – у бўлғуси қарорда субъективлик улушини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Қуйидаги талаблар мазкур ҳавасларга ишончли тўсиқ бўлиб хизмат қилади: Қарор қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги. «Қарор нима учун қабул қилинмоқда? Қанадай мақсадда?» каби саволлар шунчаки саволлар эмас. Раҳбар ижтимоий-сиёсий жараёнларда ўзини кўрсатмоқчими ёки тор гуруҳий манфаатларни кўзлаб қарор қабул қилмоқчими, ёхуд ижтимоий аҳамиятга эга муаммо ҳал этиляптими - буларнинг барчаси бошқарув қарорлари устида иш бошлашдан аввал аниқланиши лозим. Ҳар қандай фаолият ва ҳаракат, айниқса, бошқарув қарорлари эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас, ўз вақтида тайёрланиши ва қабул қилиниши лозим. Бошқарув қарорлари орқали ҳал қилиниши кутилаётган муаммо ҳақидаги барча маълумотларни муфассал ва тўлиқ таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг натижаларини муфассал ва тўлиқ таҳлил этиш ҳамда баҳолаш зарур. Қабул қилинаётган қарорларнинг жамият ҳаётида амал қилаётган қонун ва ижтимоий меъёрларга мос келиши. Бошқарув қарорлари жамиятда шаклланган ижтимоий муносабат меъёрлари ҳамда норматив актлар тизими доирасидан четга чиқмаслиги зарур. Бошқарув қарорлари қабул қилиш ва уларни амалга ошириш жараёнининг илмийлик, реаллик, аниқлик, муқобиллик, амалий фойдалилик, самаралилик каби талабларга жавоб бериши ҳамда уларни назорат қилиш имкониятининг мавжудлиги муҳим ўрин тутди. Қарорлар қабул қилишда қўлланиладиган технология ва механизмлар қуйидагиларга бевосита боғлиқ:

- 1) сифат жиҳатидан муайян кўриниш ва шаклга эга жараёнлар;
- 2) ушбу жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- 3) мазкур жараёнлар кечаётган соҳа;
- 4) бу жараёнларда иштирок этаётган субъектлар;
- 5) турғун шарт-шароитлар ва бошқа омиллар.

Шундан келиб чиқиб, хусусий секторда (алоҳида муассасалар даражасида), оммавий муносабатларда (“учинчи сектор” номини олган фуқаролик жамияти институтлари) ва давлат бошқарувида қарорлар қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари фарқланади. Давлат бошқаруви соҳасида қарорлар қабул қилиш ниҳоятда муҳим бўлиб, миллионлаб кишиларнинг тақдирига таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларда сиёсий кучлар нисбати, миллатлар ва ижтимоий қатламларнинг манфаатлари ўз ифодасини топади. Шу боис, давлат бошқаруви соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳам тасодиқий эмас, чунки давлат мамлакатнинг сиёсий йўналишини белгилашдан тортиб, то оддий фуқаронинг мурожаатига жавоб беришгача бўлган кенг қамровли ишларни амалга оширади. Қарорлар қабул қилиш жараёни кўп жиҳатдан давлат бошқарувининг қонунийлигига боғлиқ. Буни давлат томонидан амалга ошириладиган ишларнинг ҳуқуқий асоси борйўқлигига қараб аниқлаш мумкин. Бунда давлатнинг жамиятга хизмат қилиши ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, жамият фақат бошқарувнинг кўлами, мураккаблигини белгилаб бермайди, балки қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятларига ҳам эга бўлади. Бошқача айтганда, бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнида нафақат шу соҳанинг билимдонлари, балки муайян ҳуқуқ ва имтиёзга эга бўлган жамоат ташкилотлари, оммавий уюшмаларнинг вакиллари ҳам иштирок этадилар. Шу боис, давлат даражасида қарорлар қабул қилиш профессионаллар ва жамоатчилик ўртасидаги мулоқот шаклида амалга оширилади. Яъни бу жараёнда бошқарувчилар ҳам, бошқарилувчилар ҳам иштирок этади. Қарорлар қабул қилувчи шахсни аниқлаш турли маъмурий органлар вакиллари, сиёсий элитанинг турли гуруҳлари (ҳукмрон ва мухолиф элита), консултантлар ва экспертлар, турли жамоат ташкилотлари (сиёсий партиялар, босим гуруҳлари, ОАВ ва ҳ.к) ўртасидаги рақобат орқали амалга оширилади. Демак, давлат номидан қарор қабул қилувчи (вазифаларни белгилаб берувчи ва фаолият учун жавобгар) шахсларни аниқлайдиган бўлсак, улар:

- 1) давлат бошқарувининг маъмурий органлари вакиллари;
- 2) сиёсий элитанинг турли (хукмрон ва муҳолифатдаги) гуруҳлари;
- 3) маслаҳатчи ва эксперт-мутахассислар;
- 4) турли жамоат ташкилотлари (партиялар, босим гуруҳлари, ОАВлари) дан иборат.

Бу субъектларнинг манфаатлари, инсоний ҳис-туйғулари ва истаклари бир-бирдан фарқлангани боис, қарорлар қабул қилиш жараёнида улар тўқнашади. Боз устига, бу жараёнга норасмий усуллар билан ҳам босим ўтказишга ҳаракат қилувчи кучлар пайдо бўлади. Натижада, қарорлар қабул қилиш манфаатларни уйғунлаштириш, ҳар бир тарафнинг мақоми ва ресурсларини тенглаштириш жараёнига айланиб кетади. Бошқарув соҳасининг йирик тадқиқотчиси Ч.Линдблумнинг фикрича, қарорлар қабул қилишнинг икки асосий усули мавжуд: рационал - универсал ва изчиллик билан чеклаш усуллари. Улардан биринчиси қўйилган мақсадга мувофиқ бўлиб, у муаммоларни рационал равишда қисмларга бўлиш, уларни ҳал қилиш йўллари танилашга асосланган. Бу - масалани ечишнинг идеал режаси, “тўғри фикрлаш” натижаси бўлиб, у муҳолиф кучлар ўртасида кенг тарқалган. Маълумки, муаммони рационал ҳал этиш сиёсий амалиётда фақат оптимал ҳолатда эмас, балки юз бериши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ҳам келиб чиқади. Бу ҳақда Ж.Киндон қуйидагича фикрлайди: “Инсоннинг бу моделлар талабларига нисбатан ахборотлардан фойдаланиш қобилияти анча паст. Бошқарув жараёнининг ҳар бир иштирокчиси ўз фаолиятида рационал бўлиши мумкин, лекин, жараёнда кўплаб иштирокчиларнинг тўқнашуви натижасидаги қарорлар ишлаб чиқишга доир уларнинг жамоавий рационалиги хаёлий бир нарсадир”. Мисол учун қарорлар қабул қилишнинг якуний босқичида бошқарув субъекти (раҳбар) кўп вазифалар муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор бермоғи лозим. Бошқарув қарорлари ижобий ёки салбий натижаларга олиб келади. “Қарорлар қабул қилиш тадбирлари бошқарувчидан ахборотларнинг тўлиқлиги, унинг кўпроқ омилкорлигини талаб қилади. Шунингдек, масъулият ва жавобгарликнинг ўз

зиммасига олиниши билан изоҳланади”. Қарорлар ишлаб чиқишнинг кейинги тадбирлари ғояларнинг вужудга келиши рационал характерга эгаллигига қарамасдан, янгиликларни индивидуаллик ва яхлитликнинг синтези сифатида тушунишдан иборат. А. Энциони қарорлар қабул қилишнинг муайян усулларининг ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олиб, “аралаш - терма усул”нинг унумдорлигини илгари сурди. Унга биноан, мазкур усулларнинг ижобий томонлари бир-бирига қўшилиб, янги усул пайдо бўлади. Бу усул жамият сиёсий муаммоларининг умумий, типик хусусиятларга эгаларини ажратиб олиб, содир бўлаётган низо ва зиддиятларни кўриш имкониятини беради. Шу билан бир вақтда, сиёсий низоларнинг ўзига хос умумий хусусиятларини билиш аниқ вазиятда пайдо бўлган қандайдир битта муаммони ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш учун қўлланиши мумкин. Аниқ масалаларни мувофиқлаштириш учун ана шундай умумназарий, рационал билимларни қўллаш эвазига унумли сиёсий бошқарувга эришиш мумкин.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни ташкилотнинг ҳозир ва келажакда кўзланган фаолиятни амалга ошириш хоҳиши ўртасидаги масофани қисқартиришга қобил бўлган ҳаракат йўналиши вариантлари ёки муқобиллари ичидан оқилонасини танлаб олишдан иборат. Бу жараёнда кўплаб унсурлар иштирок этади. Аммо муаммолар, мақсадлар ва қарорларни муқобиллари ичидан танлаш каби унсурлар бу жараёнда доимий равишда иштирок этади. Бу жараён ташкилот ёки ҳоқимият органи фаолиятини режалаштириш асосида шаклланмоқда. Бошқарув қарорлари қабул қилиш даражалари. Бошқарув қарорлари қабул қилиш турли раҳбарлар ёки менежерлар томонидан турли даражада амалга оширилади. Бунда қарор бирон-бир шахсга эмас, балки бутун бир бўлинма ёки ташкилотга тегишли бўлгани боис расмий характер касб этади. Ташкилотда қарорлар қабул қилишнинг икки даражаси алоҳида ажралиб туради: индивидуал ва ташкилий. Ташкилотда қарорлар қабул қилишнинг индивидуал даражасида куйидаги муаммоларга дуч келиш мумкин: индивидуал қобилятнинг етарли бўлмаслиги; қарорни дастлабки ҳолатида қабул қилиш шарт эмаслиги;

қарорларни таснифлашнинг мураккаблиги; қарор қабул қилишда хатоларга йўл қўйиш эҳтмоли; қарорнинг индивидуал нуқтаи назардан ифодаланиши; муқобил қарорлар ва муқобил танловларни яратиш; қарорда адашиш эҳтимолини ўзига олиш.

Шунингдек, қарорлар қабул қилишнинг ташкилот даражасида қуйидаги муаммолар учраб туради:

- 1) мос муҳит яратиб олиш; қарор қабул қилишнинг маълум вақт учунгина муҳимлиги;
- 2) бошқарувнинг барча даражаларини жалб этиш;
- 3) мазкур жараёнда кутилаётган ноаниқликлар;
- 4) қарорнинг гуруҳий характер касб этиши, гуруҳий жараёнларни бошқаришнинг мураккаблиги;
- 5) ижодий ёндашиш ва янгиликларни бошқаришдаги номувофиқлик;
- 6) қарорларни бажаришдаги муаммолар.

Ҳоқимият органи ёки ташкилотда бошқарув қарорлари қуйидагича ифодаланади:

- 1) инсон томонидан амалга ошириладиган онгли ва мақсад сари йўналтирилган фаолият;
- 2) кадриятлар доирасидаги ва далилларга асосланган хулқ-атвор;
- 3) ташкилот аъзоларининг ҳамжиҳатликдаги ўзаро ҳаракати;
- 4) ташкилий муҳитнинг ижтимоий ва сиёсий доирасидаги муқобилликлардан бирини танлаб олиш;
- 5) умумий бошқарув жараёнларининг бир қисми сифатида фаолият кўрсатиш;
- 6) етакчи ёки менежер кундалик фаолияти бир қисмининг ташкил этиши;
- 7) бошқа барча бошқарув функцияларини бажариш учун муҳимлиги.

Тўғри қарорлар қабул қилиш бошқарув санъати соҳасига тааллуқли. Умуман, тўғри қарорлар қабул қилиш қобилияти ва маҳорати раҳбарнинг тажрибаси асосида ривожланади. Қобилият, маҳорат ва билим ўзаро

уйғунлашиб, ҳар қандай раҳбарнинг компетентлигини (лот. “competents” - бирор қарор қабул қилиш, муаммони ҳал этиш ёки улар юзасидан ҳукм чиқариш учун зарур бўлган билим ёки қобилиятга эга бўлиш) ташкил этади. Раҳбарнинг компетентлик даражасига қараб унинг иш фаолияти баҳоланади.

Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг дастлабки - тайёргарлик кўриш босқичи вазиятни баҳолаш усули асосида кечади. Бунда муаммоларнинг рўйхати ишлаб чиқилиб, вазиятни баҳолаш жараёни амалга оширилади. Шу мақсадда қўйилган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ ахборотлар базаси, бошқарув учун муҳим, лекин ҳали бартараф этилмаган муаммолар рўйхати, яъни бошқарув қарорининг «кун тартиби» ишлаб чиқилади. Шунингдек, муаммо ва масалаларнинг энг муҳимлари танлаб олинади, қарор қабул қилиш муваффақиятини таъминловчи мезонлар шакллантирилади. Қарорлар қабул қилиш босқичидаги технологик жараёнлар доирасида қуйидаги шаклда иш олиб борилади: вазиятни таҳлил этиш ёрдамида муаммоларни излаб топиш; муаммолар мавжудлиги тан олинисидан кейинги муддатда бошқарув органи қуйидаги уч муқобилликдан бирини танлайди:

1) муаммоларга нисбатан ўз нейтрал муносабатини белгилаш ёки уларга нисбатан ҳар қандай чора кўриш ва хатти-ҳаракатлар қилишдан аввал муносабатларнинг нуқтаи назарини шакллантириш;

2) қарор қабул жараёнини атайин узоқроқ муддатга чўзиш;

3) тайёргарлик босқичини ҳал этиш учун фаол ҳаракатларни бошлаш.

Учинчи ҳолатда бошқарув органи ёки ташкилотда хатти-ҳаракат қилишнинг бир неча вариантлари мавжуд: вазиятни ҳал этиш учун у ҳеч бир таҳлилларсиз ўз фаолиятини бошлаши мумкин; турли ўзаро зиддиятларнинг юзага чиқиши, уларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида, гўёки, хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандек, вақтни чўзиш мумкин, бу жараёнларда муаммолар ва масалалар анча равшанлашиб қолганидан кейин уларни ҳал этишнинг фойдали ва самарали йўллари белгилаш; муаммоларни ҳал этишни бошқа даражаларга (масалан, фуқаролик жамияти институтларига) узатиш. Сўнгра вазиятни мувофиқлаштириш учун тезлик билан чора-

тадбирлар кўриш бошланади. Масалан, корхона раҳбари ташкилотни стратегик ривожлантириш учун мавжуд вазиятни SWOT–таҳлил орқали ўрганиб чиқиши мумкин. Раҳбар томонидан амалга оширилаётган SWOT-таҳлилининг мазмуни қуйидаги жадвалда акс этган.

3-жадвал.

Мавжуд вазиятни SWOT–таҳлил орқали ўрганиш

<p>S – strength. Кучли томонлар. Сизда яхши кўрсаткичга эга бўлган барча томонларни ўз ичига олади. Масалан: сизнинг маҳсулотларин-гиз рақобатчиларникидан сифатли, дўконингиз қулай жойда жойлашган. Шунингдек, ишчи-хизматчиларингизнинг малакаси юқори</p>	<p>W – Weakness. Заиф томонлар. Сизнинг бизнесингизнинг заиф томонларини акс эттиради. Масалан: сизнинг маҳсулотларин-гиз рақобатчиларникига нисбатан қиммат, маҳсулотларингизни реклама қилиш учун маблағингиз йўқ ёки рақобатчиларингиздек хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмассиз</p>
<p>O - Opportunities. Имкониятлар. Сизнинг ҳудудингизда жойлашган ва бизнесингизга хизмат қилиши мумкин бўлган барча омиллар имкониятларни ташкил этади. Масалан: туманингизда сизнинг дўконин-гизга ўхшаган дўкон бўлмаганлиги сабабли маҳсулотларингиз тобора оммалашиб бор-моқда ёки кўплаб янги фирмалар очил-ганлиги учун мижозларингиз сони ортиши мумкин</p>	<p>T - Thereats. Хавфлар. Сизнинг атрофин-гизда жойлашиб, бизнесингиз ривожига салбий таъсир ўтказаетган барча омил ва воситалар хавфлардир. Масалан: худди шундай маҳсулот чиқараётган фирмалар мавжудлиги ёки савдо бўйича солиқлар оширилиши мумкин, унда маҳсулотларин-гиз нархи кўтарилади, сиз эса маҳсулотларингиз қачонгача харидоргир бўлишини биласиз</p>

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда SMART технологиясидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 1954 йилда Питер Друкер менежмент фанига бешта сўзнинг бош ҳарфларидан ташкил топган SMART (**Specific**— аниқ мақсад; **Measurable**— ўлчаш мумкин бўлган мақсад; **Achievable**— эришилиши мумкин бўлган мақсад; **Realistic**— реалистик мақсад; **Timed**— маълум вақт давомида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад) тушунчасини киритди.

“Аниқ мақсад” тушунчаси шуни англатадики, мақсадни қўйишда эришиш кўзда тутилаётган аниқ натижа аввалдан акс эттирилиши шарт. Аниқ мақсадни шакллантириш учун қуйидаги саволларга жавоб топиш талаб этилади: Мақсадни бажариш эвазига қандай натижани кўзлаяпман ва айнан нима учун? Мақсадни бажариш жараёнига кимлар жалб этилган? Мақсадга

эришиш борасида қандайдир чекловлар ёки қўшимча шарт-шароитлар мавжудми?

Ҳамиша битта қоидага амал қилиш лозим: битта мақсад-битта натижа. Агар мақсадни белгилашда бир нечта натижага эришиш талаб этилса, у ҳолда мақсадни бир неча мақсадларга ажратиш талаб этилади.

Мақсадни қўйишда мақсаднинг бажарилиш жараёнини ўлчаш учун аниқ бир меъзонларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Ўлчанувчан мақсадни белгилашда қуйидаги саволларга жавоб бериш талаб этилади:

- Қачон мақсадга эришилган деб ҳисоблаш мумкин?
- Қайси кўрсаткич ёки кўрсаткичлар гуруҳи мақсадга эришилганлигини кўрсатади?
- Мақсадга эришиш учун кўзда тутилган кўрсаткичларнинг қиймати қандай бўлиши лозим?

Мақсад ва вазифаларга эришилувчанликнинг ҳаққонийлиги ижрочининг мотивациясига катта таъсир кўрсатади. Агар мақсадга эришиш имкони бўлмаса, унинг амалга оширилиш эҳтимоли 0га яқинлашиб боради. Мақсадга эришилувчанлик даражаси барча мавжуд ва чекловларни ҳисобга олган ҳолдаги шахсий тажрибадан келиб чиқиб аниқланади. Вақт, инвестициялар, меҳнат ресурслари, ижрочининг билим ва тажрибаси, ахборот ва ресурслардан фойдаланиш имконияти, қарор қабул қилиш борасида бошқарув дастакларининг мавжудлиги мақсадга эришиш ҳаққонийлигини чекловчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Реалистик ёки муҳимлик даражаси юқори бўлган мақсадларни аниқлаштиришда маълум бир аниқ вазифанинг амалга оширилиши компаниянинг қандай глобал стратегик вазифаларини амалга оширилишига ҳисса қўшишини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Муҳимлик даражаси юқори бўлган мақсадни қўйишда қуйидаги саволга жавоб бериш лозим: Қўйилган вазифанинг амалга оширилиши компанияга қандай наф келтиради?

Мақсаднинг бажарилишини таъминлаш борасида маълум бир вақт чегарасини қўйиш бошқарув жараёнини назорат қилиш имконини беради. Бунда белгиланган вақт чегараси мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, мақсаднинг белгиланган муддатда бажариш имконини бериши лозим.

Бошқарув қарорларини қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

4-жадвал.

Бошқарув қарорлари таснифи

Функционал йўналтирилганлигига кўра	Режалаштирувчи	ҚАРОРЛАР
	Ташкилий	
	Фаоллаштирувчи	
	Мувофиқлаштирувчи	
	Назорат қилувчи	
	Ахборот берувчи	
Ташкиллаштириш усулига кўра	Индивидуал	
	Коллегиал	
	Корпоратив	
Таъсир кўрсатиш кўламига кўра	Умумий	
	Хусусий	
	Стратегик	
Вақт давомида амалда бўлишига кўра	Тактик	
	Оператив	
	Узоқ муддатли	
Амалга ошириш муддатларига кўра	Ўрта муддатли	
	Қисқа муддатли	
	Алгоритмик	
Ахборотларни қайта ишлаш усулига кўра	Эвристик	
	Бир меъзонли	
Меъзонлар сонига кўра	Кўп меъзонли	
	Ташқи	
Таъсир йўналишига кўра	Ички	
	Якка	
Қўллаш шакли бўйича	Коллегиал	
	Глобал	
Таъсир доирасига кўра	Локал	
	Ёзма	
Қайд этиш усулига кўра	Оғзаки	
	Детерминантли	
Ахборотлар тавсифи бўйича	Эҳтимолий	

Малакали раҳбар кадрлар томонидан бошқарувни оқилона ташкил этиш тамойилларининг ташкилотлар фаолиятида қўлланилиши бошқарув қарорлари қабул қилиш сифати ва бошқарувнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Самарали қарорлар қабул қилишнинг бир неча тамойилларини қуйида кўриб чиқамиз:

Тизимлилик тамойили. Кўплаб корхоналар фаолиятида самарасиз ишлаш, молиявий йўқотишлар, ходимларнинг самарасиз ҳаракатларини

кузатиш мумкин. Буларнинг барчаси, тўғри қарор қабул қилинмагани ёки қарор тўғри бўлса ҳам, уни амалга ошириш жараёнида бирор қийинчиликка дуч келинган бўлиши мумкин. Тизимлилик тамойили айнан шундай вазиятларни ҳисобга олиш ва бир тизимга келтиришдан иборат.

Стандартлаштириш тамойили. Унинг моҳияти шундаки, яъни аниқ бошқарув вазияти муайян стандарт асосида танлаб олинади. Стандарт вазиятлар учун бошқарув қарорлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама ўрганилган, бундай ҳолатда раҳбар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Агар бошқарув ҳолати стандарт чегарага мос келмаса, уни стандарт (аниқ белгиланган, кутилаётган ҳолати) ва ностандарт қисмларга ажратиш имконияти ўрганилади. Ностандарт қисмда ҳолатнинг алоҳида ва муҳим томонларини топиш мақсадида таҳлил қилиш керак бўлади.

Оптималь хабардорлик тамойили. Рационал бошқарув қарорига ахборот базаси ҳамоҳанг бўлгандагина эришиш мумкин. Шунингдек, ҳар бир бошқарув даражаси учун қатор омиллар билан белгиланадиган ахборот базасининг оптималь кўлами мавжуд. Бу ўринда муаммо тўғрисидаги маълумотлар қанчалик тўғри эканлигини ҳисобга олиш керак.

Бошқарув қарорларини бажаришда автоматлаштириш тамойили. Тамойилнинг моҳияти шундаки, раҳбар томонидан қабул қилинган “қарор” автоматик равишда (албатта, қисқа вақт давомида ва ўзгартирилмаган кўринишда) талаб даражасига етказилиши ва ҳаракат учун амалий қўлланма бўлиб қолиши керак. Ушбу тамойилни амалга ошириш учун яхши ишланган ва ўзаро уйғунлашган бошқарув механизми зарур. Агар бундай механизмлар ёки унинг мажмуаси етарли даражада бўлмаса, ҳар қандай, ҳаттоки, энг яхши қарорлар ҳам амалга ошмай қолиши ёки унинг бажарилиши сабабсиз чўзилиб кетиши мумкин.

Эҳтимоллик натижаларини ҳисобга олиш тамойили. Рационал бошқарув қарорлари уни амалга оширишнинг эҳтимоллик натижаларини ҳисобга олишни кўзда тутади. Бунда қарор қабул қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган натижа объектив ўрганилади.

Танлаш эркинлиги тамойили. Қарор қабул қилувчи раҳбарда мавжуд йўналишлардан бирини танлаш имкони бўлмаса, самарали қарорлар ҳақида фақат орзу қилиш мумкин. Юқори турувчи раҳбар қуйида турувчи раҳбарнинг “оёқ-қўл”ларини боғлаб ташласа, мустақил ҳаракати учун имкон бермаса, уларнинг самарали қарорлар қабул қилиш имконияти чегараланади.

Масъулиятлилик (жавобгарлик) тамойили. Қарор қабул қилувчи раҳбар уни амалга ошириш натижалари учун жавобгар. Бу ҳолат жамоавий қабул қилинган қарорлар учун ҳам тегишли. Инсоннинг ўзи ҳақидаги қарори раҳбарга боғлиқ бўлган шахсларнинг тақдири учун, айнан бундай шахсларга тегишли бўлган қарорлар қабул қилишда характерли бўлган, (гарчи ҳаракатдаги субъектнинг шахсий фаолият бўйича қарори атрофдаги шахслар тақдирига маълум даражада таъсир этса ҳам) аксарият ҳолларда юксак масъулият ҳисси билан боғлиқ эмас. Афсуски, амалиётда айрим раҳбарлар кундалик вазифаларга асосий эътибор қаратиб, истиқболни унутиб қўядилар.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамоҳанглиги тамойили. Энг номақбул қарорларни жавобгар (масъулияти) бўлмаганлар қабул қилинади. Ушбу тамойил раҳбар ва ижрочилар ўртасида мажбурият ва масъулият бўлиши лозимлигини кўзда тутаяди, қарор қабул қилаётган шахснинг масъулиятлилик ва билимдонлик даражаси унинг хизмат вазифалари мазмуни ва даражасига ҳамоҳанг, яъни мутаносиб бўлиши керак.

Ижодкорлик тамойили. Бошқарувдаги ижодкорлик ҳозирда муҳим кадрият ҳисобланиб, унинг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Бошқарув қарорларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишда алоҳида ижодий ёндашув талаб этилади. У белгиланган чегарадан чиқувчи, асосий (базавий) тахминларни шубҳа остига олувчи муаммоларни аниқлаш ва ғояларни излаш учун зарур.

Ўз вақтида қабул қилиш тамойили. У қарор қабул қилиш учун энг мақбул пайтни танлашга йўналтирилади. Қарор вақтидан илгари қабул қилинса, шунингдек, кеч қабул қилинса кутилган самарани бермайди.

Якка бошчилик ва ҳамжихатликнинг бирлиги тамойили. Бир карашда яккабошчилик ва ҳамжихатлик бир-бирини инкор этади. Биринчиси қабул қилинган қарор учун шахсий жавобгарлик ва шунга яраша масъулият, иккинчиси эса, жамоавий жавобгарлик ва масъулиятни кўзда туттади. Аслида, уларни бирлаштириш мумкин. Айтайлик, раҳбар қарорни тайёрлаш жараёнида қўл остидагилари билан маслаҳатлашади (ҳамжихатлик ва уларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда, масъулиятни тўлалигича ўз зиммасига олади (якка бошчилик) ва қарор қабул қилади. Мазкур ҳолатда ҳамжихатлик кўзга ташланмайди, лекин у аниқ шаклда ҳам (масалан, муқобил таклифларни ҳамжихат муҳокама қилишда) намоён бўлиши мумкин.

Шериклик (ҳамкорлик) тамойили. Ушбу тамойил қарор қабул қилишга тегишли шахсларнинг фаол ва бевосита иштирок этишини англатади. Бу тамойилда одамлар фақат ижрочи бўлишга кўникиб қолишади, ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишда пассив бўлишади. Бундай муносабат: “Биз кичкина одаммиз, буни раҳбарият ҳал қилсин” деган “эскича” фикрни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бундай “эскича” фикрлашнинг салбий томони мавжуд: ходимлар ишни у хато натижага олиб келишини билиб туриб ҳам бажаришлари мумкин.

Самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш раҳбарнинг компетентлиги ва ушбу фаолиятни юксак тарзда ижро этиш маҳорати - профессионализи билан боғлиқ. Шу муносабат билан, психология фанида сўнгги пайтда катта эътибор берилётган йўналиш сифатида касб маҳорати, яъни профессионализм масаласи устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бинобарин, бошқарув профессионализи қарор қабул қилиш ва унинг ижросини таъминловчи асосий омилдир. Қабул қилинган қарорларнинг самараси нафақат мавжуд вазиятга мос келиши билан, балки ижрочиларга қандай таъсир ўтказиши билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам қарор тушунарли бўлиши ва ижрога қабул қилиш чоралари кўзда тутилиши шарт. Баъзан раҳбарият қарорларидан ижрочилар хабардор бўлади, чунки улар муаммо

билан олдиндан таниш бўлиб, раҳбардан кўрсатма кутадилар. Компетент кўрсатманинг белгиларида қуйидагилар бўлиши мумкин: илмий асосланганлик; зарур бўлган тўлиқлик; бажарилишни тақозо этадиган, қарор қабул қилувчиларнинг ваколати билан таъминланадиган директивлик; аввал қабул қилинган қарорларга зид бўлмаслик; таърифларнинг лўндалиги; ўз вақтида берилиши; адреслилик; бажарилиш муддатларининг аниқлиги. Кўпинча илмий асосланган ва ўз вақтида берилиши каби ҳолатлар кўрсатилади, шунинг учун улар умумлаштирувчи ва энг муҳим омилдир.

Хулоса қилиб айтганда, ижобий натижага эришишга йўналтирилган бошқарув - самарали бошқарув дегани. Барқарор юқори унумдорликни таъминлаш барча бошқарув вазифалари ва бириктирувчи жараён коммуникация, қарор қабул қилиш ва пешқадамликни таъминлашга тааллуқли. Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи муҳим омил - корxonани бошқариш илмига эга бўлиш. Корxonа унумли ишлаши учун бошқарув тизимини такомиллаштириш зарур. Ўсиб бораётган рақобат шароитида раҳбарият аввал мақбул бўлган қарорлар бугун нега тўғри келмаслигини билиши лозим. Шунингдек, бошқарув иши яхши қўйилган корxonаларда инсон омилини ҳисобга олиш, кишилар манфаатига эътибор бериш (ишдан бўшатиш билан кўрқитишни бартараф этиш, ходимларни қарор қабул қилишга жалб этиш, хизматда кўтарилиш дастури бўлиши, ҳар бир ишловчи фаровонлигини таъминлашга интилиш) хосдир. Тезкорлик, ташкилотчилик, иқтисодиёт бошқаруви юқори самарадорликнинг муҳим шартидир. Бошқарувнинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини аниқлаш лойиҳалаштириш ва бошқарув қарорларини амалиётга қўллаш жараёнида аниқланади. Қарорлар қабул қилишнинг классик, маъмурий ва сиёсий моделлари фарқланади. Қарорлар қабул қилишнинг классик модели иқтисодий қарашлар ва таҳлилларга таяниб иш кўради. Қарорлар қабул қилишнинг классик моделида қуйидаги тўртта қараш ётади:

Биринчидан, қарор қабул қилувчи шахс олдиндан белгиланган мақсадга эришишга ҳаракат қилади. Бунда муаммолар аниқлаштирилган ва маълум бир шаклга келтирилган ҳолда бўлади;

Иккинчидан, қарор қабул қилувчи шахс аниқликка интилади ва барча зарурий ахборотларни тўплашга ҳаракат қилади. Қарорларнинг барча вариантлари ва уларнинг эҳтимолий натижалари синчковлик билан ҳисоб-китоб қилинади;

Учинчидан, баҳолаш мезонлари олдиндан ишлаб чиқилган бўлиб, қарор қабул қилувчи шахс корхонанинг иқтисодий манфаати нуктаи назаридан энг мақбул вариантларни танлаб олади;

Тўртинчидан, қарор қабул қилувчи шахс корхонанинг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, оқилона йўл тутди ва устуворликларни белгилаб олади.

Қарорлар қабул қилишнинг маъмурий модели кўпроқ баёний тавсифга эга бўлиб, у қийин вазиятларда менежерларга қандай йўл тутиш тўғрисида тавсиявий характерга эга бўлган йўл-йўриқлар кўрсатади. Қарорлар қабул қилишнинг маъмурий модели Герберт Саймоннинг ғояларига таянади. Саймон маъмурий моделни шакллантиришда фойдаланилувчи иккита ғояни илгари суради: чекли рационаллик ва қабул қилувчанлик. Қарорлар қабул қилишнинг маъмурий моделида:

1. Қабул қилинаётган қарорларнинг мақсадлари кўпинча ноаниқлиги ва зиддиятли эканлиги боис менежерлар ўртасида келишмовчиликлар вужудга келади. Баъзан менежерларнинг ўзлари ҳам корхонадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ижобий ечимлари борасидаги имкониятлар тўғрисида тасаввурга эга бўлмайдилар;
2. Рационаллик менежерлар томонидан ҳар доим ҳам қўлланилавермайди, қўлланилган тақдирда ҳам реал воқеликнинг барча жиҳатларини тўла-тўқис акс эттира олмайди;
3. Менежерлар етарлича ресурсларга эга эмасликлари боис, қарорлар қабул қилиш чекланган тавсифга эга бўлиб қолади;

4. Кўпчилик менежерлар энг яхши ечимлар билан эмас, балки имкониятлари даражасидаги ечимлар билан чекланадилар.

Қарорлар қабул қилиш маъмурий моделининг муҳим жиҳатларидан бири, бу интуиция ҳисобланади¹³.

Қарорлар қабул қилишнинг учинси модели сиёсий модел бўлиб, у ишончсизлик даражасининг кучлилиги, кўзда тутилган мақсад ва вазифалар борасида менежерлар ўртасида ягона тўхтамнинг йўқлиги шароитида қўл келади. Қарорлар қабул қилишнинг сиёсий модели қуйидагиларга асосланади:

1. Ташкилот турли фикр, қизиқиш ва манфаатларга эга бўлган ҳар хил гуруҳлардан ташкил топади. Менежерлар у ёки бу муаммонинг қайси бирига устуворлик бериш борасида турли фикрларни илгари сурадилар;
2. Ахборотлар ноаниқ ва тўлиқ бўлмаганлиги боис, менежерларнинг ҳатти-ҳаракатлари маълум даражада чекланади;
3. Муаммоларни аниқлаштириш, уларнинг барча жиҳатларини кўриб чиқиш борасида тўлиқ ресурс ва имкониятларга эга эмасликлари боис, бир-бирлари билан ўзаро мулоқот қиладилар ва ноаниқлик даражасини пасайтириш мақсадида ахборот алмашадилар;

Менежерлар мақсадларни аниқлаштириш борасида турли мунозараларга киришадилар ва муқобил ечимларни муҳокама қиладилар. Ўзаро баҳс-мунозаралар ва музокараларнинг натижасида қарорлар қабул қилинади.

¹³ Ричард Дафт. Менеджмент, 10-е издание. Санкт-Петербург, изд-во: Питер. 2015.-26 стр.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамызда амалга оширилаётган ислохотлар, қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари билан белгиланган вазифаларнинг бажарилишидаги камчиликлар, тадбиркорлик ва республикада қулай инвестициявий муҳитни барпо этишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишидаги муаммолар тўғрисида умумий хулоса қилиш маъмурий бошқарув соҳасида тизимли ислохот ўтказилишини ва самарали бошқарув механизмини яратишни тақозо этади.

Ўзбекистонда реал секторни модернизациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодийнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш масалаларига эътибор ҳозирги кунда, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларидан сақланиш даврида долзарб масалага айланиб бормоқда.

Реал сектор тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади. Модернизациялаш – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш, демакдир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш эса – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараёндир.

Маъмурий ислохотлар бўйича хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак XX аср охири ва янги асрнинг ўтган йилларида бир қатор мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида ислохотлар ўтказилган. Қўлланган концепциялар, принциплардан келиб чиқиб, айрим мутахассислар маъмурий ислохотларни шартли равишда қуйидаги моделларга ажратишади.

“Янгича давлат бошқаруви” (“New Public Management”) модели. Бу моделнинг концепцияси давлат органлари ва муассасалари фаолиятига

бизнесда қўлланиладиган ёндашув, услуб ва принципларни тадбиқ этиш ва кенг фойдаланишни назарда тутди. Булар мижозга йўналтирилганлик, номарказлаштириш, фойдага урғу бериш, рақобат, аутсорсинг, лойиха ва шартнома бошқарувини жорий этиш сингари принциплардан иборат. Бу модел асосан англосаксон мамлакатларда – АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада, Янги Зеландияда ишлатилган. Бу концепциянинг танқидчилари унинг самарали бошқарув қарорларини излашни, модернизацияни рағбатлантирган, муайян ютуқларга сабаб бўлган бўлсада, унинг асосий мақсади ҳисобланган давлат органлари фаолиятида фойдалиликни оширганлигини ишонч билан қайд этиш қийинлигини таъкидлашади. Қолаверса санаб ўтилган мамлакатларда бу моделни жорий этиш жараёнида киритилган янгиликлар давлат бошқарувида бир қатор деформациялар келиб чиқишига сабаб бўлган. Хусусан, давлат тузилмалари ўртасида мувофиқлаштириш ва стратегик режалаштиришнинг, ностандарт ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг сусайишига олиб келган.

“Муносиб бошқарув” ёки “Яхши бошқарув” (“Good Governance”) модели. Бу модел БМТ Тараққиёт Дастури томонидан 1997 йилда ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади – давлат бошқарувида, айниқса ижтимоий ҳимояси таъминланмаган аҳоли гуруҳларини, қоқоқ ҳудудларни қўллаб-қувватлашда жамият иштирокини имкон даражасида кенгайтириш. Бу моделнинг асосий принциплари шаффофлик, самарадорлик, жавобгарлик, қонуннинг устуворлиги ва тенг ҳуқуқлилик, давлат қарорларини қабул қилишда аҳолининг иштирок этиши кабилар. Моделнинг мураккаблиги сифатида ижтимоий аҳамиятли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда турли ижтимоий гуруҳлар вакилларини кенг ва амалда иштирокини таъминлаш билан боғлиқ катта харажатлар кўрсатилади.

Навбатдаги модел “Мувофиқлаштирилган бошқарув” (“Joined up Government”) давлат органларининг олдига қўйилган мақсадларни ҳал этишда горизонтал ва вертикал бўйича ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу моделда асосий эътибор

мувофиқлаштириш, стратегик режалаштириш, куч ва ресурсларни интеграциялашни оширишга, шунингдек жалб этилган тузилмалар ва шахсларни рағбатлантиришга қаратилади.

Давлат бошқарувида илғор давлат менежменти ва «ақлли» бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтишга оид Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида: илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, давлат органларида профессионал бошқарувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий қилиш; давлат муассасалари фаолиятини бевосита фуқаролар билан ишлашга ихтисослаштириш; давлат органларининг «Халққа – кўмакчи, тadbirkorларга – бизнес ҳамкор» сифатида фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш; давлат ва хўжалик бошқарувида стратегик менежмент ҳамда риск менежментининг илғор инструментлари (усуллари)ни ўргатиш; раҳбар фаолияти натижаларига доимий равишда баҳо бериш тизимини яратиш назарда тутилади.

Реал сектор корхоналари вертикал ва горизонтал интеграциясининг жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича корхоналар кооперациясини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб уларнинг кластерда бирлашиши ҳисобланади. Моҳияти жиҳатидан саноат кластери бу ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жадал жорий этиш имконини беради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати рақамли иқтисодиётнинг жадал тараққий этишига таъсир кўрсатади. Иқтисодий тараққиёт “оқсоқланиши”нинг олдини олиш мақсадида: рақамли инновациялар соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини қонун йўли билан тартибга солиш; иқтисодиётда янги технология ва ахборот оқимларидан фойдаланишни рағбатлантириш; уй хўжаликлари аъзоларининг рақамли маконда фаолият кўрсата олишларини таъминлаш мақсадида ўқувчи ва талабаларнинг янгича фикрлашларига хизмат қилувчи ўқув дастурларини

жорий этиш, рақамли технологиялар соҳаси учун малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш талаб этилади.

Миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича асосий йўналиш сифатида инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Сўнги вақтларда республикада инновацион маркетинг концепцияларидан фойдаланиш бўйича ёндашувлар асосан стартап лойиҳалари доирасида қўлланилмоқда. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар амалиётида инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш борасида етарли тажрибалар мавжуд эмас. Шунга асосан, маркетингнинг инновацион технологияларини жорий этишга қаратилган тизимли тадқиқотлар амалга оширилиши зарурдир.

Республикада миллий товарлар рақобатбардошлигини ошириш борасидаги асосий муаммолардан бири интеллектуал билим, малакавий кўникмали ва креатив фикрловчи мутахассисларнинг танқислиги билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармониغا 1-илова “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. - <http://lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [www. uza.uz](http://www.uza.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264 сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. - <http://lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658 сонли “Ўзагротехсаноатҳолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори. - <http://lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3279 сонли “Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. - <http://lex.uz>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09. 2017 йилдаги ПФ-5185 сонли “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/3331174>
8. Концепция организации хлопково - текстильных кластеров в Республике Узбекистан. Официальный документ. Т.:2017 г.
9. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида

бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”. 2016. – 56 б.

10. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 48 б.

11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.

12. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

13. Захидов Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. // Монография. – Тошкент: «Fan» нашриёти, 2016.-157 б.

14. Timothy Slaper, Grace Ortuzar. Industry Clusters and Economic Development. Indiana Business Review, Vol. 90, No.1. 2015. p.7.

15. Sarpa H., Subramanian A. and Subramanian K.V. Corporate Governance and Innovation: Theory and Evidence. Journal of Financial and Quantitative Analysis, 2014, vol.49, issue 4, pp. 957-1003.

16. Атаниязов Ж. Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил

17. Гапоненко В.Ф. Бизнес-инкубаторы в национальной инновационной системе. - М.: Современная экономика и право, 2006.

18. Голиченко О.Г. Национальная инновационная система России: состояние и пути развития. - М.: Наука, 2006.

19. Грушенко, В. И. Менеджмент: восприятие сущности менеджмента в условиях стратегических изменений : учебное пособие. – Москва : ИНФРА-М, 2014. – 288 с. — (Высшее образование: Бакалавриат).

20. Друкер Питер Ф. Бизнес и инновации. - М.: Издательский дом «Вильямс», 2007.
21. Доклад о цифровой экономике 2019. Создание стоимости и получение выгод: Последствия для развивающихся стран. ООН. Женева 2019 г.
22. Доклад о развитии цифровой экономики в России. Конкуренция в цифровую эпоху: стратегические вызовы для Российской Федерации. / 2018 Международный банк реконструкции и развития / Всемирный банк
23. Построение бизнес-модели, А.Остервальдер, И.Пинье, Альпина Паблишер, Сколково, 2012, 288 стр.
24. Иванова Н.И. Национальные инновационные системы. - М.: Наука, 2002.
25. Кластерный подход к развитию агропромышленного комплекса Омской области / под общ. ред. В.В. Карпова, В.В. Алещенко. – Новосибирск: изд-во СО РАН, 2014. – 416 с.
26. OECD. Flexibility and Proportionality in Corporate Governance, OECD Publishing, Paris, 2018.
27. Кристенсен К., М.Рейнор. Решение проблемы инноваций в бизнесе. Как создать растущий бизнес и успешно поддерживать его рост. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2004.
28. Коносуке Мацусита Философия менеджмента. 2-е издание, Москва, Альпина Паблишер, 2018.-190 с.
29. Ицхак Пинтосевич Влияй: семь заповедей лидера. Москва: Издательство- “Э”-2017.-288 с.
30. Национальная инновационная система и государственная политика Российской Федерации: Базовый доклад к обзору ОЭСР национальной инновационной системы Российской Федерации. Министерство образования и науки Российской Федерации. М., 2009.
31. Садыкова Р.Ш. Корпоративное управление как фактор инновационного развития. – Казань: Изд-во Казанского государственного аграрного

университета, 2010. – 595 с.

32. Леванова Л.Н. Инновации в корпоративном управлении в России. // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия: Экономика. Управление. Право. – Саратов: Саратовский национальный исследовательский государственный университет им. Н.Г.Чернышевского, 2015. - №15 (4). – С 405-411
33. Холов А. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назарий концепциялари. Тошкент: Академия 2013
34. Freeman, C., 1987. Technology policy and economic performance: lessons from Japan. Pinter, London.
35. Grossman G., Helpman E., 1991. Innovation and Growth in the Global Economy. MIT Press, Cambridge, MA
36. Michael Porter. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review, November-December, 1998. p. 78.
37. Clusters for competitiveness. A Practical Guide & Policy Implications for Developing Cluster Initiatives. International Trade Department, The World Bank. February 2009. p.3.
31. www.ziyonet.uz
32. www.minecon.uz
33. www.mfer.uz
34. www.mf.uz
35. www.gov.uz